O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 31-mart, chorshanba ● № 15 (666) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ШАҲРИСАБЗ АДАБИЁТИ МАНЗАРАЛАРИ

Шаҳрисабз адабиёти ва маънавияти янада юксакларга кўтарилади, муҳтарам Президентимиз таърифлаганларидек: "Шаҳрисабз ўзбек диёрида ёқут кўзли бир гавҳар" бўлиб нур таратаверади.

6-бет

ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАРИМИЗНИ АСРАЙЛИК!

Қушлар ҳам табиатнинг бир бўлаги бўлиб, азал-азалдан инсоннинг дўсти саналади. Сайроқи қушлар ширали хонишлари билан инсонларга яхши кайфият улашган бўлса, йиртқичлар атроф-муҳит санитарлари вазифасини бажаради. Қушларнинг табиатдаги ўрни беқиёс.

7-бет

АСКИЯ — ХАЛҚ САНЪАТИ

Аввалари аскиячилар кичик-кичик йиғинларда, маросимлару тўйларда чиқишлар қилишган, холос. Истиқлолга эришганимиздан сўнг Юртбошимизнинг ташаббуслари билан халқимиз суйган бу санъат катта саҳналарга олиб чиқилди. Ҳар гал тантанали шодиёналарда аскиячиларга алоҳида вақт ажратилади.

8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **30 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонга имзо чекди.**

■ **25 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.**

■ **Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Абу Даби шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг араб тилида нашр этилган "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли асарининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

■ **23 март куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Уммон ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлди.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Уммон Султонлиги Савдо ва саноат вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш, ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига бағишланди.

■ **26 март куни Ёпплар ижод саройида Миср маданияти кунлари доирасида «Миср – Ўзбек рассомлари, Ўзбекистон – мисрлик мўйқалам усталари нигоҳида» мавзусида бадиий кўргазма очилди.**

Кўргазмада Ўзбекистон ва Миср ижодкорлари яратган тасвирий ва амалий санъат намуналари, фотосуратлар ва ҳунармандлик буюмлари намойиш этилмоқда.

ОНГИ БАЛАНД МИНГНИ ЕНГАДИ

ҚИЗИЛ ВА КЎК ЧИРОҚ

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида онг тушунчасига бундай таъриф берилади: «одам руҳий фаолиятининг олий шакли, фикрлаш қобилияти, ақл-идроки». Дарҳақиқат, ҳаётни қанчалик тушунишимиз, ташқи ва ички таъсирларни сезишимиз ҳам, унга муносабат билдира олишимиз ҳам онгимизга боғлиқ.

Ҳозирги кунда бутун дунёда инсон онги учун кураш кетаётгани сир эмас. Мафкура полигонларининг ядро полигонларидан кучлилиги исбот талаб қилмайди. Миллий хавфсизликни таъминлаш учун ахборот хуружининг олдини олиш, ғоявий экспансиядан сақланиш лозимлигини кўпчилик англаб етди.

Ўрта яшар ёхуд элликолтмишни қоралаганларнинг онгига бирданига таъсир кўрсатиш, дунёқарашини ўзгартириш анча мушкул. Лекин болалар ва ўсмирларда, ҳатто балоғат пиллапоясидаги ўғил-қизларда бу бирмунча осон. Бинобарин, инсон онги учун кураш дейилганда, аввало, ёшлар тушунилади, уларни ёт ғоялардан асраш, зарарли таъсирлардан ҳимоялаш англанади.

Ҳимоялаш — бу миллий ўзига хослик, юксак маънавият йўналишидаги кўк чироқдир. Бу тарбия билан ахлоқсизлик, миллий маданият билан "оммавий маданият" ўртасидаги чегарадир. Мақсад — кўр-кўрона тақлид қиладиган, маданий-ахлоқий қадриятлар қимматини ҳали англаб етмаган, саробни сув деб ўйлайдиган ёшларга тўғри йўл кўрсатишдир.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бу масалага алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз!", "Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!" деган ҳаётий даъватлари негизида бир-бирини тўлдирадиган, пишиқ-пухта давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ижроси изчил таъминланмоқда.

Бунинг самарасини кўриш, натижасига мисол келтириш учун узоққа бориш шарт эмас. Ҳозир юртимиздаги энг кўркам, энг замонавий, энг гавжум бино қайси? Академик лицей, касб-ҳунар коллежи, болалар спорти мажмуи, умумий ўрта таълим, санъат ва мусиқа мактаблари эмасми?! Бу иншоотлар, таъбир жоиз бўлса, ўша кўк чироқ ичидаги йўналтирувчи белгилардир.

Бундай масканларда таълим олаётган фарзандларимиз ҳам замонавий билимга эга, ҳам миллий қадриятларимизга садоқатли, киши ҳавасини келтирадиган шижоатли ўғил-қизлар бўлиб камолга етяпти. Онги баланд бу ёшлар турли халқаро кўрик-танловлар, нуфузли мусобақалар, фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритиб, Ватанимиз шуҳратини янада оширмоқда.

Ўтган йили Германиянинг Бремен шаҳрида бўлиб ўтган математика бўйича 50-халқаро олимпиадада Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей талабаси Диёра Салимова кумуш, Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 52-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари Аброр Пирнафасов, Азимхон Назаровларнинг бронза медалини қўлга киритишлари тасодиф эмас. Бу ютуқ нафақат уларнинг, балки бошқа тенгдошларининг интилишига ҳам катта рағбат бўлди.

Ўқувчи-ёшларимизнинг бундай ютуқларини фахр билан тилга олар эканмиз, давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асаридаги қуйидаги фикрлари ёдга тушади: "Албатта, таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир".

(Давоми 3-бетда.)

ТАНЛОВ

"Олтин қалам": маҳоратлилар учун муносиб рағбат

Бугун мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг ташаббуси билан 2006 йилдан буён юртимизда журналистика соҳасида «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказиб келинаётгани нафақат журналистлар ҳаётида, балки юртимиздаги оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Журналистларга билдирилаётган бундай юксак ишонч Ватанимизнинг ҳар бир қалам аҳлини руҳан юксалтириб, улкан ижодий парвозларга чорламоқда.

Бу йилги «Олтин қалам» V халқаро танловига материалларни қабул қилиш муддати ҳам ниҳоялаб бормоқда. Мазкур танловнинг номинациялар сони, мукофот маблағлари миқдори ва шунга яраша нуфузи ҳам йилдан-йилга ошиб бораётгани қувонарлидир.

Агар (Миллий мукофот учун танлов 13 та (3 та асосий ва 10 та рағбатлантирувчи) номинация бўйича ўтказилган бўлса, бу йилги V Миллий мукофот танловида ижодий ишлар 27 та (1 та бош, 12 та асосий ва 14 та рағбатлантирувчи) номинация бўйича қабул қилинмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, бу йилги танловда «Баркамол авлод йили»га бағишланган энг яхши материал учун» янги номинацияси ҳам киритилди.

4 »

ҚАДРИЯТ

«Сиз полвонларингизни биласизми?»

танлови асосида миллий энциклопедия яратилади

Дарҳақиқат, Баркамол авлод йилида шундай китобларнинг ягона нусхаларини тиклаш ишлари бошланди. Ушбу ғоя муаллифи, кураш, самбо, дзюдо бўйича спорт устаси, миллий курашимиз асосчиларидан бири, "Полвонлар Миллий энциклопедияси" жамияти раҳбари Норқули ЮСУПОВ билан амалга оширилаётган ишлар юзасидан суҳбатлашдик.

— Норқули ака, "Полвонлар Миллий энциклопедияси" жамияти яқиндагина ташкил этилганига қарамасдан, кенг жамоатчиликнинг эътиборига тушиб улгурди. Айтингчи, унинг ишини йўлга қўйишдан асосий мақсад нима эди?

— "Полвонлар Миллий энциклопедияси" жамиятининг мақсади XIX — XX асрларда яшаган полвонлар ва мураббийлар ҳақида маълумот тўплаш, уларнинг номларини тиклаш, фахрий полвонларни моддий, маънавий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш, миллий спорт ўйинларимизнинг ўтмиши ва бугунини тарихга муҳрлаш асосида азалий қадриятларимизни улуғлашдан иборат. Миллий спорт ўйинларимизнинг моҳиятида мардлик, олижаноблик, бағрикенглик, ҳалоллик сингари инсонпарварлик хусусиятлари мужассам. Уларнинг дунё миқёсида кенг тарғиб этилиши юртимиз шаъни-шукуҳини кўтариш билан баробардир.

Биз мактаб, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Сиз полвонларингизни биласизми?" номли танлов эълон қилдик. Болалар ўқишдан бўш пайтларида ўз мактабларида ўқиган полвонлар ҳақида маълумот тўплайдилар.

3 »

ТИЛИМИЗ – ДИЛИМИЗ

Тил — авлодлар давомийлиги

Тил — миллат юзи. Уни асрамоқ миллатни улуғламоқ билан тенг. Агар тилнинг инсон ҳаётидаги ўрни муҳим бўлмаганида, мутафаккир олимлар, нуктадон шоирлар, дарёдил адиблар, умуман, илм одамлари унинг кечмиши ва келажаги учун жон куйдиришмаган бўларди. Зеро, тил — бир миллатнинг ўқтомири янглиғ олис ўтмиш қаъридан келажак авлодларга тириклик обиҳаётини инъом этади. Машҳур шоир Қайсин Қулиев таърифи билан айтганда, "Тил — табаррук тупроқ ва меҳрибон она нафаси"дир.

Дунёда қайсики тил тирик экан, демак, ўша тилда сўзлашувчи халқ ҳам яшаяпти. Олам яралганидан то бугунга қадар инсоният жуда кўп тилларда сўзлашиб келган. Шулардан аксарияти муомала воситаси сифатида ҳозир ҳам ўз функциясини бажариб келмоқда. Айримлари истеъмолдан чиқиб кетганлиги учун "ўлик тиллар" деб ном олган (мисол учун лотин, санскрит тиллари). Яна шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, баъзи қабилалар ўтмишда тилларини унутиб, ўзга элатлар лисонида сўзлаша бошлагач, характерлари, урф-одатлари ҳам бутунлай ўзгариб кетган. Аждодларидан фақатгина генетик мерос — қиёфаларигина қолган, холос. Демак, тилнинг унутилиши — дилнинг бузилиши, яъни инсоннинг ўзлигини йўқотиши деганидир.

Ҳозирги замон тиббиётшунос, антрополог ва ҳайкалтарошлари болгарлар ва можорлар кўп жиҳатдан туркий элатларга ўхшашлигини тасдиқловчи далиллар топишган. Бу ҳақда туркшунос олим Эрол Гунгўр шундай дейди:

— "Булғор" атамаси туркча "булғамоқ" (бир-бирига киришмоқ) сўзидан келиб чиққан. Буларнинг бир қисми билан Днепр-Волга оралиғида яшаган уйғур турклари-нинг чатишувидан булғор қавми келиб чиққан. Илк булғор давлати 630 йилда кўктурклар империясининг парчаланиши натижасида вужудга келди. Илк булғор ҳукмдори Осиё танхуларининг сулоласидан бўлган Курт Хон эди. Ўмуртоғ Хон замони Туна Булғор хонлигининг порлоқ даври бўлган. 864 йилда булғор хони Борисхон провослав динини қабул қилади. Шундан сўнг булғорлар ўзлигини тамоман йўқотади.

2 »

ТИЛ — АВЛОДЛАР ДАВОМИЙЛИГИ

(Бошланиши 1-бетда.)



УЧ МИНГ ЙИЛЛИК СЎЗЛАР

Тил — авлодлар давомийлигининг тадрижий тараққиёти. Шу боис уни ривожлантириш халқ ва миллат олдидаги асосий масалалардан бири ҳисобланади. Ўтмишда бунга аждодларимиз ўз иши деб қараганлар. Бу ҳақда сўз юритишдан аввал ўзбек тилининг тарихи хусусида ҳам икки оғиз гапириб ўтсак.

Олимларнинг таъкидлашича, Марказий Осиё халқларининг энг қадимги ёзуви — Катта Ойбуйирқалъа (Хоразм) шаҳар харобасидан топилган, хумнинг сиртидаги қадимги Хоразм тилидаги қисқа битикдир. Археологик тадқиқотлар унинг милоддан аввалги 5-4 асрларга тегишли эканини аниқлаган. Шу ўринда ҳақли бир фикр туғилади. Яъни ёзув пайдо бўлишидан аввал тил шаклланиб, маълум бир тадрижий босқичга эга бўлиши, турли меъёрий асослари юзага келиши лозим. Шу нуқтаи назардан қаралганда мамлакатимизда тилшуносликнинг тарихи ёзувнинг тарихидан ҳам қадимийрокдир.

Кейинчалик бақтрия, суғд, парфия ва сак тилларининг шаклланиши, шунингдек, бу жараёнда туркий халқларнинг фаол ижтимоий ҳаракатлари самараси ўлароқ, қадимги турк тилининг (айни пайтда ўзбек тилининг ҳам) илк назарий асослари юзага келди. Улардаги баъзи атамалар, тушунчалар ҳалигача тилимизда сақланиб қолган. Масалан, сўғдийларнинг "канд" (шаҳар маъносида ишлатилган) сўзи бугунги кунда ҳам Самарқанд, Тошкент, Янгикент каби шаҳарларнинг номида учрайди. Парфийларнинг "шаҳр" (шаҳар)идан ўзимизнинг "шаҳар" келиб чиққан.

Ҳа, тил ўлмайди. Шу сабабли юқорида келтирилган ва ота-боболаримиз ишлатган сўзлар уч минг йилдан кейин ҳам биз билмаган ҳолда ҳаётий эҳтиёжларимизнинг ифодаси сифатида муомалада экан, демак, тилимиз тарих мулкининг ноёб дурдонаси, олис аждодларимизнинг хотирасидир.

ЎРХУН — ЭНАСОЙДАН ХУРОСОНГАЧА...

Афсуски, Буюк Турк ҳоқонлиги ёзма ёдгорликлари бизгача тўлиқ етиб келмаган (тошбитикларни ҳисобга олмаганда). Аммо 10-11 асрларга оид туркий тилдаги ёзма адабиёт намуналаридан шундай фикр келиб чиқадики, туркий тил бир вақтлар шаркда Хитой чегараларидан тортиб, ғарбда Болтиқбўйи ҳудудларигача, шимолда Сибирь ясситекисликларидан жанубда Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларигача бўлган улкан ҳудудда туркий адабий тил асосий муомала воситаси бўлган. Бу тилда нодир адабиёт намуналари битилган. Сўзимизни Юсуф Хос Ҳожибнинг қуйидаги фикри билан давом эттирамиз: "Мочин олимлари, донишмандлари бир қарорга келдиларки, Машриқ вилоятида, Туркистон элларида **Буғрахон тили**да бирор кимса ҳаргиз бу китоб ("Қутудғу билиг") дан яхшироқ (китоб) ёзган эмас".

Ҳа, Юсуф Хос Ҳожибга қадар туркий тилда ҳеч ким "Қутадғу билиг" даражасидаги асар ёза олмаган. Бу биз сўз юритаётган масаланинг биринчи томони. Иккинчи томони шундаки, жумладаги **Буғрахон тили** ўз даврининг ҳаммага тушунарли бўлган (туркий) адабий тили эканлигига ишорадир.

Ёки ўрта асрлар турк тилининг билимдони, том маънода унинг грамматикаси шаклланишига улкан ҳисса қўшган адиб Маҳмуд Қошғарийнинг қуйидаги сўзларига эътибор беринг: "Тилларнинг енгили ўғузча, энг тўғриси, яхшиси йағма, тухсы кабиларнинг тили ва, шунингдек, Ила, Эртиш, Ямар, Этил водийларидан уйғур шаҳарларигача бўлган жойларда яшовчилар тилидир. Буларнинг ичида энг очиқ ва равон тил — **хоқония** ўлкасида яшовчиларнинг **тили**дир. Баласағунлиқлар суғдча ва туркча сўзлайдилар. Тыраз Мадинатулбайза шаҳарларининг халқлари суғдча ҳам туркча сўзлайдилар. Испижаб (ҳозирги Чимкент)дан то Баласағунгачагача бўлган арғу шаҳарларининг ҳаммасида яшовчиларнинг тилида ҳам камчилик бор. Қашқарда канжакча сўзлашадиган қишлоқлар бор. Шаҳар ўртасида турувчилар **хоқоний туркча**сида сўзлайдилар". Демак, Маҳмуд Қошғарий келтирган **"хоқония тили"**, **"хоқоний туркчаси"** 11-аср (туркий) адабий тили бўлган.

Заҳматкаш аллома Маҳмуд Қошғарий машҳур асари — "Девону луғатит турк"ни тузишга киришганини қуйидагича изоҳлайди: "Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирқиз (қирғиз)ларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса мен тилда уларнинг энг етукларидан, энг катта мутахассисларидан, хушфаҳамларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида уста найзадорларидан эдим. Уларга шунча диққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва қирқиз (қирғиз) қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим".

Мутахассисларнинг маълумотига кўра "Девону луғатит турк" да тахминан 7.500 дан зиёд сўз ва иборалар келтирилган. Улар маъносини изоҳлаш учун келтирилган мақоллар сони 200 дан ошади. Ўрни билан айрим сўзларнинг этимологияси ҳам берилиб, асарнинг асоси — луғат қисмида 6.000 дан зиёдроқ туркий сўзларнинг луғавий маъноси арабча изоҳланган. Мазкур илмий изланишлар ҳозирги ўзбек адабий тилининг ўтмишдаги улкан тараққиёти эмасми?!

Ёхуд яна бир туркийгўй олим Аҳмад Югнакийнинг қуйидаги сатрлари ҳам туркий адабий тилнинг сирли саҳифаларини очиб беради:

Тамами эрур Кашағарий
тил билэ,
Айитмиш адиб риққати
тил билэ,
Агар билсэ Кашғар тилин
ар киши,
Билур ол адибнинг
неким аймиши.

Кўринадики, байтларда тилга олинган **"Кашғарий тил"** — ўз даврининг адабий тили. Аҳмад Югнакий "Ҳибат ул-Ҳақойиқ" асарини ана шу адабий тилда яратган.

Хулоса шуки, юқорида келтирилган буғрахон тили, кашғарий тил, хоқония тили каби тушунчалар тилимизнинг мозийдаги турлича номлари. Унинг турфа хил аталиши кейинги асрларда ҳам давом этди. Масалан: **Чиғатой тили**.

Кўриниб турибдики, халқимизнинг тил билан боғлиқ тарихига доир кўплаб илмий ишларга асос бўладиган аждодларимизнинг асрлар бўйи инкишоф этилмаган бўй-бастини кўрсатиб берадиган қатор мавзу ва манбалар бисёр. Зеро, туркий тилни ўз даврида дунё минбарига олиб чиқишда Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоийнинг беқиёс заҳмати бор эканига мозийнинг ўзи исбот!.

ЎЗАГИ ЎЗИМИЗДА

Тилшунослар таъкидлашганидек, тилнинг тараққиёти доимо ички ва ташқи таъсирлар остида бўлади. Бу — луғат мулки ўз ва ўзлашган сўзлар ҳисобига бойийди дегани. Ташқи таъсирлар ўз-ўзидан давом этадиган ҳодиса. Аммо... Кейинги давр бадиий адабиёти ва публицистикасини кузата туриб, ўзбек тили сўз бойлигининг ички имкониятлар орқали "ўсиши"да анчайин саркашлик жараёнини ва адабий, публицистик асарларда ижодкорларнинг сўзга бўлган муносабатининг лоқайдлигини кўрамиз. Гапнинг очиғи, сўз билан ишлашда ижодкорлик сусайган. Бу ҳақда ўтган асрнинг ўрталаридаёқ, ҳассос ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор бонг урган эди: "Ажиб бир тил пайдо бўлаяпти. Қаранг: "ҳашак" деб қўя қолмайди, албатта, "дағал ҳашак" дейди. Жўхорипоя ё кўк поя демайди, албатта, "яшил майса" дейди... Ёки мана бунисини ўқинг: "Чорвачилик фермаларига кўпроқ яхши ем-ҳашак жамлаш керак", демайди, албатта: "Чорвачилик фермалари ўзларининг кенг-мўл ем-ҳашакларига эга бўлсин учун бу ем-ҳашакларни планда мўлжалланганидан орттириб жамғаришни бевосита таъминлаш чораларини кўриш керак", деб ёзади. Чунки бу тилда гапириб бўлмайди, фақат ёзиб бўлади". Бу фикрлар йигирманчи асрнинг олтмишинчи йилларида минг бир надомат билан ёзилган, десак, муболаға бўлмайди... Ундан-да аянчлироғи, бу "ажиб тил" урчигандан-урчиб, айни пайтдаги аксарият бадиий-публицистик ёдгорликлар унинг маҳсули бўлиб қолмоқда.

Шунинг учунми, айни кезларда адабиёт ёки публицистикамизда тилининг оҳанраболиги билан ўқувчини жалб қила оладиган, Ғафур Ғулом ёхуд Абдулла Қаҳҳор асарлари каби хушбичим ижод намуналари ноёб ҳодисага айланган. Аслини олганда, халқимизда тилимизни турли сержилва сўзлар билан бойитадиган сўзлашув таомили бор. Айтишларича, шоир Ғафур Ғулом **столпараст** (бюрократ), **жуфтонғир** (калхат), **учурум** (жарлик), **саннағлаш** (гандираклаб вайсаш), **сўлти вақт** (бўш вақт) каби янги сўзларни ўзбек тили лексикасига олиб кирган экан.

Дарвоқе, ҳозирги кунда ҳам ҳали адабий таомилга кирмаган, фақат шеваларда қолиб кетаётган шундай ибора ва мақоллар борки, улар халқимизнинг кўп минг йиллик тафаккури миқёсини кўрсатиб беради. Ана шундай ибора ва нақлларнинг айримларини келтириб ўтирамиз:

Камбағал тезак термоқчи бўлса, моллар сувга тезаклайди. Ушбу мақол қипчоқ лаҳжасига кирадиган шеваларда қўлланилади. Иши юришмай, омади кетган кишиларнинг руҳий ҳолатини яхши ифодалайдиган фразеологик бирикма деса ҳам бўлади. Самарқанд вилоятининг Булунғур, Қўшработ, Жиззахнинг Ғаллаорол, Бахмал туманларидаги даштлик аҳоли орасида кўп ишлатилади.

Донишманд ичмайди, ақлли маст бўлмайди. Мазкур ибора ўзбек тилининг изоҳли луғатидаги донишманд ва ақлли сўзларининг изоҳига нодир намуна бўла олади. Бунда сўзларнинг моҳияти инсоннинг ижтимоий характери орқали тўлиғича ажратилган, шунингдек, ақлли ва донишманднинг мантиқий чегараси аниқ ифодаланган. Бу ибора ҳам қипчоқ лаҳжасидаги шеваларда учрайди.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, аждодолардан авлодларга мерос қоладиган тирик осори атиқа — тил. Моддийлик асосига қурилган ҳар қандай обидалар асрлар мобайнида бузилиб, ер юзидан йўқолиб кетиши мумкин. Археолог ва тарихчилар шу пайтга қадар неча минглаб сулолалар, подшоҳликлар, императорларнинг тупроқ тагида қолиб кетган шаҳар ва саройларини очмаган дейсиз?! Аммо уларнинг бари пойдевори узоқ мингйилликларга тенгдош бўлса-да, тил каби қадимий ва яшовчан эмас. Тилимизнинг умрбоқийлиги эса, унинг тараққиёти йўлидаги ҳаракатларимизга боғлиқ.

Анвар СУЮНОВ,
тадқиқотчи.

МУҲИМ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент молия институтида М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ва Москва гуманитар иқтисодиёт институти билан ҳамкорликда "Глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг оқибатларини бартараф қилиш шароитида иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. "Иқтисодиётнинг микро-, мезо-, макрова мегодаражасида иқтисодий муносабатлар диалектикаси", "Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф қилиш шароитида хусусий, регионал, миллий ва трансмиллий манфаатларни уйғунлаштириш муаммолари", "Иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари ўзаро алоқадорлигининг хусусиятлари", "Иқтисодий муносабатлар трансформациясининг муассасавий жиҳатлари", "МДҲ мамлакатларида жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф қилишга қаратилган иқтисодий сиёсатининг ўзига хослиги" шўъбаларини ўз ичига олган тадбирни Тошкент молия институти ректори иқтисодиёт фанлари доктори Алишер Ваҳобов очди. Анжуманда М.Ломоносов номидаги МДУ профессори Кайсин Хубиевнинг "Инқироз сабоқлари ва инқироздан кейинги ривожланиш хусусиятлари", Иляр Филатовнинг "Инқироз даврида ижтимоий-иқтисодий тенгсизликни ва инқироздан кейинги ўзгаришларни тадқиқ қилишнинг методологик асослари", Тошкент молия институти профессори Э.Акрамовнинг "Бозорга ўтишнинг "ўзбек модели" тамойиллари — иқтисодий инқироздан ҳимоя воситалари" каби маърузалар талаба-ёшлар ва тадбир иштирокчилари томонидан қизиқиш билан тингланди ва қизғин муҳокама қилинди. Анжуман сўнгида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида фойдаланиш учун таклифлар ишлаб чиқилди.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Яқинда "Хоразмдонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти Германиянинг "Вахтел" компаниясининг нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуналари билан жиҳозланган янги цехни ишга туширди. Цехда бугунги кунда ўн турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бир кеча-кундузда 3 тонна маҳсулот тайёрланиб, туман аҳолисига ҳамда вилоят марказидаги савдо шохобчаларига жўнатилаяпти.

— Яқин кунларда корхона қувватини икки баробар оширишни мўлжаллаяпмиз, — дейди нон цехи ва фирма дўкони раҳбари Давронбек Қутлимуродов. — Бунинг учун Туркиянинг "Узхедеф" фирмаси билан янги ускуналар келтириб ўрнатиш бўйича шартнома имзоладик. Бундан ташқари, Россия Федерациясидаги компаниялардан бири билан цехда макарон ишлаб чиқариш ускуналарини ўрнатиш устида иш олиб бораяпмиз. Шунингдек, бу ерда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

Янги нон цехи, унинг қошида фирма дўкони ишга тушурилиши туфайли 20 нафар ёш иш билан таъминланди. Тез орада яна шунча иш ўрни очиш мўлжалланаяпти.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши, уларнинг ҳуқуқий экспертизаси: амалиёт ва муаммолар" мавзусида семинар ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходимлари, Тошкент шаҳар ва Юнусобод ҳамда Чилонзор туманлари ҳокимликлари, суд, прокуратура вакиллари, маҳаллий давлат бошқарув органларининг шу соҳага масъул ходимлари, шунингдек, ФҲДЁ органлари ва нотариал идоралар раҳбарлари, марказий ва маҳаллий ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинарда мустақиллик йилларида миллий ҳуқуқ тизимини яратиш, қонунлар ва қонунчилик техникасини такомиллаштириш, уни юқорироқ сифат босқичига кўтариш юзасидан катта ҳажмли ишлар амалга оширилгани, жумладан, қонун ижодкорлиги соҳасида "Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида"ги, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги, "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги қонунлар миллий парламент томонидан қабул қилинганини, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисобини юритиш тартиби ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши, уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда учраётган муаммолар ва семинар иштирокчиларини қизиқтирган бошқа масалалар ўртага ташланиб, уларнинг ечими муҳокама қилинди.

Иноможон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ТАДБИР

Кўргазма очилди

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг "Нодир нашр ва қўлёзмалар бўлими"да Амир Темурга бағишланган кўргазма ташкил этилди. Унда Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятига оид 20га яқин нодир ёдгорликлар намойиш этилмоқда.

1597 йили Италияда босилган "Скиф императори Амир Темур ҳаёти" номли асар темурийлар тарихига оид муҳим манба ҳисобланади. Ушбу китоб Перандиус Петрус томонидан ёзилган. Кўргазмадаги энг ноёб ёдгорликлардан яна бири "Амир Темур тузуклари"нинг инглиз ва форс тилидаги таржимасидир. 1783 йилда Англиянинг Оксфорд шаҳрида босилган ушбу асарни инглиз тилига Майор Дэви, форс тилига Абу Толиб Ҳусайн таржима қилган. "Аланга" журналининг 1929 йил январь сонида босилган "Амир Темурнинг Франция қироли Шарл VI га ёзган жавобномаси" тарихий дипломатия билан шуғулланувчилар учун қизиқарли маълумот беради.

Аъзам УМАР

АДЛИЯ МИНБАРИ

Никоҳ — покликка қадам

Инсоният ҳаётидаги турли жараёнлар — туғилиш, оила қуриш, фарзандли бўлиш, баъзан оила бузилиши оқибатидаги ажралишлар ва ҳоказо ҳолатлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларининг кундалик фаолиятини ташкил қилади.

Ислом маданияти омухталашган бизнинг демократик жамиятимизда ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз томонидан соғлом, баркамол авлодга — ёш оилаларга эътибор масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўз-ўзидан аёнки, мамлакатимизда "оила — муқаддас даргоҳ", — дея таърифу тавсиф этилиши, давлат томонидан унга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Оила қуришда илк қадам ФҲДЁ бўлимига ариза бериш билан бошланади. Ариза берилгандан сўнг никоҳ қайд этилгунгача бир ойлик синов муддати белгиланади. Бундан мақсад ёшларимиз енгил-елпи ўйламасдан, бирбирини яхши билмасдан, ишончсиз никоҳдан ўтишларининг олдини олиш, оила қуришга моне бўладиган ҳолатларни текшириб кўришларига ҳам имкон беришдир.

Инсон оила аталмиш муқаддас даргоҳ остонасига қадам қўяр экан, ота-онанинг соғлом бўлиши янги оила пойдеворининг мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Ҳар бир оиланинг эзгу орзуси, ҳаёт мазмуни, умр давомчиси ҳисобланган ақлан ва жисмонан соғлом зурриётлар қолдиришдир.

Ота-оналар соғлом бўлсаларгина, улардан соғлом ва баркамол фарзандлар дунёга келади. Шу боис турмуш қураётган ёшларни никоҳни қайд этишдан аввал тиббий кўрикдан ўтказиш муҳимдир. Зеро, ҳар икки томон — эр ва хотин ўз саломатликлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари шарт.

Ойсора НОРСАФАРОВА,
Қашқадарё вилояти,
Деҳқонобод тумани
ФҲДЁ бўлими мудираси.

ОНГИ БАЛАНД МИНГНИ ЕНГАДИ

(Бошланиши 1-бетда.)

БИЛАГИ ҲАМ, БИЛИМИ ҲАМ ЗЎР!

Бугун Ватанимиз мустақиллигини, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини ҳимоялаш, тинч ва осуда ҳаётимизга қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз, ғаразли уринишларнинг олдини олиш ва бартараф этишда Қуролли Кучларимизнинг ўрни ва аҳамияти катта. Юртимизда тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, юксак жанговар қобилият ва тайёргарликка эга армия барпо этилди.

Пойтахтимизда қад ростлаган "Ватанга қасамёд" ҳайкалининг очилишида давлатимиз раҳбари бу масалага тўхталар экан, яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлади. «Бугун ҳаммамизга аён бўлиши керак — армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи — ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушуниши демакдир. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганидек, "Билаги зўр — бирни йиқар, билими зўр, онги баланд — мингни".

Шу буюк ҳикматга таянган ҳолда, она юртга, она заминга садоқат билан, кимнинг авлоди эканини хаёлидан чиқармасдан, ҳаётда аниқ мақсад ва эътиқод билан яшайдиган ҳарбийлардан бири кичик сержант Шавкат Чориевдир.

У Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида туғилиб ўсган. Болалигидан спорт билан шуғулланиб, жисмонан чиниқишга, китоб ўқиб билимини оширишга интилган. Шавкат билан бир неча дақиқа суҳбатлашган киши унинг дунёқараши нақадар кенглигига, ўз касбининг устаси эканига амин бўлади.

Ш.Чориев Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмларидан бирида алоқачи бўлиб хизмат қилади. Янги-янги алоқа воситалари яратилаётган ҳозирги пайтда бу соҳанинг етук мутахассиси бўлиш учун ўткир зеҳн, тез фикрлаш талаб этилади. Шавкат бу борада ҳам ҳеч кимдан қолишмайди. 2008 йилда Қуролли Кучлар тизимида ўтказилган кўрик-танловда "Энг илғор мутахассис" деб топилди.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида Ш.Чориев Президентимиз фармони билан "Жасорат" медали билан мукофотланиши уни ўз устида янада кўпроқ ишлашга, тажрибасини оширишга, иродасини тоблашга ундади. Шавкатнинг бу ҳаракатлари ҳам эътибордан четда қолмади — Жанговар тайёргарлик аълочиси кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ақл-идрокли, замонавий билимга эга, онги баланд ҳарбийларимиз хизмат вазифаси билан бирга халқаро мусобақаларда ҳам кимнинг авлоди, қайси юртнинг фарзанди эканини дунёга намойиш этмоқда. Пекин олимпиадасида дзюдо бўйича бронза медалини қўлга киритган Ришод Собиров қадди ва қадри баланд ҳарбийлардан. Сафдошлари уни "лейтенант Собиров" деб чақиришади.

Ришод 1986 йили Бухоро вилоятининг Жондор туманида таваллуд топган. 19 ёшида Осиё чемпиони, 20 ёшида Умумармия ўйинлари ғолиби бўлган. Яқинда Жанубий Кореянинг Сувон шаҳрида бўлиб ўтган "Мастерс" туркумига кирувчи халқаро турнирда 60 килограмм вазн тоифасида 42 мамлакатдан келган полвонларнинг ҳеч қайсисига имконият қолдирмади. Ватанпарвар йигитнинг ғалабаси шарафига ҳамма ўрнидан турди, давлатимиз байроғи баланд кўтарилди, мадҳиямиз янгради...

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА СПОРТЧИ МАЪНАВИЯТИ

Спорт — бу маданият дегани. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида давлатимиз раҳбари ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғун камол топишида спортнинг тутган ўрнига ана шундай лўнда таъриф берди.

Маданият ҳар бир одамнинг ўзини тутиши. Бошқалар ҳавас қилгулик фазилатлар ҳосиласи. Маънавият эса инсоннинг кучига куч қўшишга, ақл-идроки ва заковатини юксалтириб, мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ҳилқат. Маданий ва маънавий бойликлар, миллий қадриятлар давлат, миллат, шахснинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаидир. Гап фақат бу манбадан қандай фойдалана билишда. Ҳар бир ўғил-қизнинг ўз маънавий илдизларини чуқур англаши унинг ўзига ишончини мустаҳкамлайди. Ўз кучига қатъий ишонч эса ғалаба сари ташланган энг муҳим қадамлардир.

Мамлакат номидан майдонга чиқадиган ҳар бир спортчи ва унинг мураббийлари давлатимиз рамзлари тавсифини тўлиқ билиши, миллий қадриятларимиз ва тарихимизни ўрганиши лозим. Спортчининг вазифаси мусобақада ғолиб чиқиш ва медаль олиш, ундан байроқ ёхуд гербда нима тасвирланганини, давлат мадҳиясини ёд билишни, миллий қадриятларимиз ҳақида етарли маълумотга эга бўлишни талаб қилиш тўғрими, деб қаровчилар ҳам топилади. Аммо биз қайси соҳада фаолият кўрсатмайлик, шу юртнинг фарзанди эканмиз, Ватанимиз тарихини, давлатимиз рамзларини билиш — ҳам қарз, ҳам фарз. Айниқса, тез-тез хориж сафарига чиқадиган спортчилар учун бу ўта муҳим.

АҚЛ ВА ҚУДРАТ

Широқни эсланг. Унинг бир ўзи тиш-тирноғигача қуролланган кучли қўшинни енгади. Бунга нафақат ватанпарварлиги, балки юксак ақл-идроки, тийрак мушоҳадаси, баланд онги билан эришади. Жангу жадалларда дийдаси қотган тажрибали саркардага таъсир кўрсатишнинг, уни шунча аскари билан қуш учса қаноти куядиган жойга бошлаб боришнинг ўзи бўлмайди.

Халқ эртагидаги Бунёднинг баҳайбат девни енгиши, улкан дарахтни томири билан суғуриб олиши, Алпомишнинг тўқсон икки алпнинг курагини ерга теккизиши, Жалолиддиннинг қаҳрамонликлари етти иқлимда афсона бўлиши фақат жисмоний кучнинг ҳосиласи эмас. Билакдаги куч, юракдаги шижоат ва руҳий устунликнинг уйғунлиги бу. Ақлнинг куч-қудратга айланиши бу.

Замонавий спорт мусобақаларида ҳам ақли расолик ғалабанинг мустаҳкам пойдевори экани сир эмас. Балки фақат жисмоний устунлик сабаб чемпион бўлиш мумкиндир. Лекин кетма-кет шоҳсупага кўтарилиш, дунёда тенгсизлигини кўрсатиш учун спортчи ҳар томонлама етук бўлмоғи даркор. Музаффар боксчимиз Аббос Атоев фаолияти бунга мисол.

Кейинги йилларда теннис оламида Мурод Иноятов, Денис Истомин, Неъмат Шофайзиев, Оқгул Омонмуродова сингари янги юлдузлар нур соча бошлади. Неъматнинг кетма-кет иккита нуфузли халқаро турнирда ғолиб бўлиши, ер юзининг турли бурчакларидан келган ракетка усталарини мағлубиятга учратиши жисм ва онг, тана ва руҳ ҳамоҳанглигининг, умид билан кўз тикиб турган яқинлари, дуогўйларининг мададини сеза олишининг натижасидир.

Ўз вақтида икки юз қирқ уч йигити билан ўн икки минг отлиқ лашкарни енгган Амир Темур бобомиз "Темур тузуклари"да шундай ёзади: "Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради. Мен яна тажрибамда кўрдимки, ғаним лашкарини енгиш қўшиннинг кўплиги билан эмас, мағлуб бўлиш эса сипоҳнинг камлигидан бўлмайди. Балки ғолиб бўлмоқлик (тангрининг) мадади ва бандасининг тадбири биландир". Бу фикрларни изоҳлашга ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз.

Озод РАЖАБОВ

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

"АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ: ОАВ НИГОҲИДА"

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка халқчил тилда етказиш, адлия тизими томонидан аҳолининг ҳуқуқий савиясини ошириш борасида амалга оширилаётган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет саҳифаларида мазмундор ва сифатли ёритилишига эришиш мақсадида **«АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ: ОАВ НИГОҲИДА»** кўрик-танловини ўтказади. Ушбу танловда журналистлар билан бир қаторда ҳуқуқшунослар ҳам иштирок этишлари мумкин.

Танловга ҳар йилнинг 1 мартидан 1 ноябригача бўлган даврда газета, журнал, интернет-нашрларида турли, жумладан, ўзбек, рус ёхуд қорақалпоқ тилларида эълон қилинган мақолалар, эфирга узатилган, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг DVD ёки CD нусхалари қабул қилинади.

Тақдим қилинган ижодий ишлар уларда кўтарилган масалаларнинг моҳияти ва долзарблиги, ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятининг ёритилиши даражаси тушунарли жозибадор ва ўзига хос тарзда баён этилиши каби қатор мезонларга кўра баҳоланади.

Кўрик-танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

1. «Энг яхши телелавҳа»
2. «Энг яхши радиоэшиттириш»
3. «Энг яхши мақола»
4. «Энг яхши интернет материали»
5. «Энг яхши видеоролик»

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

1. 3 та биринчи ўрин учун рангли телевизор
2. 3 та иккинчи ўрин учун диктофон
3. 3 та учинчи ўрин учун DVD магнитофон
4. 1 та энг яхши интернет материали учун фотоаппарат
5. 1 та энг яхши видеоролик учун рангли телевизор.

Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.

Материаллар 1 ноябргача қабул қилинади.

***Ижодий ишлар* «АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ: ОАВ НИГОҲИДА»** кўрик-танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.

Қўшимча маълумотлар учун
телефон: (998-71) 233-39-84,
Факс: (998-71) 233-39-84
E-mail: press@minjust.gov.uz

САВОЛ-ЖАВОБ

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув қандай амалга оширилади ва унда нималар кўзда тутилади?

Шуҳрат НОРБЎТАЕВ,
Тошкент вилояти

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув (алимент миқдори, шартлари ва тўлаш тартиби) алимент тўлаши шарт бўлган шахс билан алимент олувчи ўртасида ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланади. Агар алимент олувчи муомалага лаёқатсиз бўлса, келишув унинг қонуний вакили билан тузилади. Бу келишув тарафларнинг ўзаро розилиги билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Унинг бажарилиши бир тарафлама рад қилинишига ёки шартлари бир тарафлама ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга биноан тўланадиган алиментнинг миқдори алимент суд тартибида ундирилганда, болалар олиши мукин бўлган миқдордан кам бўлмаслиги керак. Оила кодексининг 99-моддасига асосан вояга етмаган болаларини таъминлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан бир бола учун ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг тўртдан бир қисми, икки бола учун — учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак. Алиментлар алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан улушларда, вақти-вақтида пул билан тўланадиган қатъий суммада, мол-мулк билан ёки келишувда қайд этилган бошқа усулларда тўланиши мумкин.

Алимент миқдорини индексация қилиш шу келишувга мувофиқ амалга оширилади. Агар келишувда индексация қилиш тартиби кўрсатилмаган бўлса, индексация Оила кодексининг 144-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Суднинг ҳал қилув қарори ёки алимент тўлаш ҳақидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишув бўйича алимент ушлаб қолиши лозим бўлган иш берувчи (ташкилот маъмурияти) алимент тўловчи шахс билан меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақида, шунингдек, унинг янги иш, ўқиш жойи ёки турар жойи унга маълум бўлса, бу ҳақда суднинг ҳал қилув қарори ижро этиладиган жойдаги суд ижрочисига ёки алимент олувчи шахсга уч кун муддат ичида хабар бериши шарт.

Агар алимент тўлаши шарт бўлган шахс доимий яшаш учун ёки уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга кетадиган бўлса, қонунга мувофиқ ўзи таъминлаши лозим бўлган алимент олувчилар билан Оила кодексининг 130-134-моддаларига асосан алимент тўлаш тўғрисида битим тузиши шарт. Бу масалада келишувга эришилмаган тақдирда манфаатдор шахс алиментни бир йўла тўлаш тўғрисида ёки унинг эвазига муайян мол-мулкни бериш ёхуд бошқа усулда тўлаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Дилноза АДИЛОВА,
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани
1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

«СИЗ ПОЛВОНЛАРИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?»

танлови асосида миллий энциклопедия яратилади

(Бошланиши 1-бетда.)

Иш жараёнида ўқувчиларда ташаббускорлик, мустақиллик хусусиятлари ривожланади. Энг фаол болалар танловнинг туман, вилоят, республика босқичларида аниқланиб, рағбатлантирилади. Қолаверса, ушбу тадбир ёшлар учун ибрат мактабини ўтайди. Фахрий полвонларнинг мактаб ўқувчилари билан суҳбатлар ташкил қилиши болаларда спортга иштиёқни кучайтиради, ўз аждодларига нисбатан ҳурмат уйғотади, улардан ўрнак олишга ундайди.

Ташкилотимиз республикамиздаги 35 та яккакураш федерациялари тасарруфида ташкил этилган. Ушбу федерацияларда спортчилар жисмоний шаклланадилар, тарбияланадилар, бизда эса уларнинг ижтимоий фаоллиги, маънавий-маърифий униб-ўсишига эътибор қаратилади. Таъкидлаш лозимки, бизнинг жамиятимиз сингари ташкилот дунёда йўқ. Яъни биз жаҳонда биринчилардан бўлиб, халқимизнинг полвон фарзандлари номларини тиклаш ишини йўлга қўйдик. ЮНЕСКО вакили жаноб Даллининг соҳага оид халқаро конференциялардан бирида айтган қуйидаги гаплари ҳалиям қулоқларим остида жаранглайди:

— Юқори натижаларга эришган спортчилар номларининг унутилиши дунёнинг ривожланган давлатлари ҳаёт тарзига хос "касаллик"дир. Жаҳонда илк бора Ўзбекистонда бу "хасталик"ка қарши кенг миқёсда ҳаракат бошланди. У ҳам бўлса, ушбу юрт Президенти олиб борган оқилона сиёсат туфайлидир. Ўзбекларнинг очиқ чеҳрасига қараб, менда бу юртнинг тараққиётига катта умидлар уйғонди. Тинч-фаровон ҳаёт, осойишталик ҳукмрон мамлакатда шу сингари илғор ғоялар яратилади.

Катта минбарлардан айтилган юртга дахлдор эътирофлар киши кўнглини тоғдек кўтаради. Янада жўшиб меҳнат қилгинг келади.



— Биз миллий кураш турлари билан шуғулланадиган кишини полвон деймиз. Жамиятингизда эса бошқа спорт турлари билан шуғулланадиган федерациялар ҳам бор. Шу ўринда ташкилотингизнинг номланиши билан боғлиқ савол туғилади. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Аввало, шуни айтиш жоизки, ҳар қадамда ўзгаришлар кузатилаётган бугунги кунда ўзбек тилидаги айрим сўзларимизнинг луғавий маъноси кенгаймоқда. Полвон сўзи ана шундай сўзлардан биридир. У илгари жисмоний жиҳатдан кучли, бақувват киши, баҳодир, паҳлавон маъносида қўлланган. Тўй ва сайилларда кураш тушганлар полвон дейилган. Шунингдек, боксёрлар, муштигир полвонлар деб аталган.

Масаланинг ана шу жиҳатларини эътиборга олиб, яқинда биз — спорт бўйича мутахассислар тилшунослар билан йиғилиб, уни муҳокама этдик. Яъни бир-бирлари билан ғолиблик учун яккама-якка беллашган рақиблар, масалан, боксчи, каратэчи, таэквондочи, курашчи, дзюдочи, самбочи, қиличбоз, тош кўтарувчи, улоқ-кўпкари ўйинлари ва от спорти чавандозлари, қўйингки, эл-юрт олдида, тўй-томошаларда, мусобақаларда ўз кучи ҳамда маҳоратини намойиш этувчи паҳлавонларни полвон сўзи билан аташни келишиб олдик. Энди буни кенг жамоатчилик орқали халққа етказиш керак.

Биз ўз ишимизни энциклопедия яратиш ғояси асосида режалаштирганмиз. Йил охирига бориб, юқорида айтилган танлов ниҳояланганч, ҳар бир туманнинг яккакураш полвонлари тўғрисидаги маълумотларни алоҳида китоб ҳолига келтирамиз. Бор-йўғи бир нусхадаги ушбу ноёб манбани Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонада сақлашни кўзда тутяпмиз. Ишга киришишдан олдин мен кутубхоналаримизда миллий спортчиларимиз ҳақида ёзилган китоблар хусусида қизиқдим. Афсуски, бу соҳада бирорта тузукроқ манба учратмадим. "Полвонлар Миллий энциклопедияси" жамияти томонидан яратилаётган, спортчиларнинг оилавий суратлари, шажаралари батафсил ёритилиши кутилаётган китобдан бўлажак олимлар, талабалар, мутахассислар фойдаланиш имконига эга бўладилар. Албатта, ушбу йирик манбани, айтайлик, юз йилдан кейин варақлаган авлодларимиз ўз боболарининг узоқни кўзлаб, амалга оширган ишидан мароқланади, ғурурланади. Кези келганда айтиш лозим, ҳозир кўпчилик ўз шажарасининг икки ёки уч аждоддан олдингиларини билмайди. Биз қилаётган ишлар кейинги авлоднинг ўз шажарасини билишида ҳам асқотиши табиий, албатта.

— Жамиятингизнинг эртанги кунини қандай тасаввур қиласиз?

— Юртимизда, шунингдек, дунё миқёсида миллий спорт ўйинларимиз кенг ривож топмоқда. Юқорида айтганимиздек, уларнинг тобора ёйилиши азалий қадриятларимизнинг юксалиши демакдир. "Полвонлар Миллий энциклопедияси" эса ана шундай залворли ва шарафли ишнинг пойдеворини ўрганиб, бугунги кун нуқтаи назаридан унга янгича шакл-шамойил беради. Биз кейинчалик Халқаро яккакурашлар энциклопедиясини яратишга киришмоқчимиз. Миллатимиз кўрки — полвонларимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи ўз музейимизни ташкил этамиз. Бир сўз билан айтганда, ташкилотимиз спорт тизимининг муҳим бўғинларидан бирига айланишига ишонаман.

"Hurriyat" мухбири
Мамлакат НОРМУРОДОВА
суҳбатлашди

“Олтин қалам”: маҳоратлилар учун муносиб рағбат

(Бошланиши 1-бетда.)

Биз журналистика соҳасида ўтган йилги мукофот совриндорларини суҳбатга тортиб, уларга бу танлов қандай имкониятлар очганлиги ва ижодий фаолиятида эришган муваффақиятлари билан қизиқдик.

Мадамин САФАРОВ, тележурналистика соҳасида «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти бош совриндори, «O'zbekiston» телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳаррияти бош муҳаррири ўринбосари:

— Ўтган йили ижодий гуруҳимиз «Одам савдосига қарши курашиш ва ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш мавзусига бағишланган «Адашганлар қисмати» туркум кўрсатувлари учун» «Олтин қалам» танловининг Бош миллий мукофотига сазовор бўлгани бизни янги ижодий лойиҳалар устида ишлашга илҳомлантирди. Аввало, теледастурларимизнинг савиясини, кўримлилигини ошириш устидаги изланишларимиз бесамар кетмаганидан мамнун бўлдик.

Президентимиз таъкидлаганларидек, мамлакатимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кириш, уларни теран таҳлил ва талқин қилиш, мавжуд камчилик ва муаммоларни очиб беришга қаратилган таҳлилий теледастурлар салмоғини ошириш замон талаби ҳисобланади. Ижодий гуруҳимиз ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, тайёрлаган кўрсатувлар сирасига «оммавий маданият» таҳдиди, диний экстремистик ғояларнинг хатарли оқибатлари ҳақидаги «Таҳдид», «Икрор», «Лафзидан қайтганлар», «Арзон дискнинг савдоси», «Бировнинг ҳақи», «Йўл ўғрилари», «Ўғрини қароқчи урса...» каби теледастурлар туркумини тайёрлаб, халқимизга мунтазам намойиш этиб келмоқда.

Умуман, «Олтин қалам» мукофоти «O'zbekiston» телерадиоканалида ижодий янгиланишларга туртки бўлди. «Одил суд», «Мен — ёшликман», «Ҳаёт гўзал!», «Бахшиёна», «Анъана» сингари тамомила янгича ёндошувларга асосланган теледастурлар салмоғи ортиб бормоқда. Телерадиоканалимизда маънавий-маърифий дастурларга, уларнинг сифат ва савиясини кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, баркамол авлод тарбиясига, маънавий-ахлоқий дунёсига ижобий таъсир кўрсатадиган теледастурлар тайёрлаш, режалаштирилганларининг эса самарадорлигини ошириш, миллий урф-одатлар, бой анъаналаримизни акс эттирган сериаллар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратиш юзасидан талайгина ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Буларнинг барчасини экран қаршисида ўтирган телетомошабинлар холисона, ижобий баҳолаётгани бизни юксак ижодий парвозларга чорламоқда.

Дилбар ҒАНИЕВА, “Маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун” номинацияси совриндори, Қорақалпоғистон радиоканали мусиқий эшиттиришлар Бош муҳарририятининг катта муҳаррири:

— “Олтин қалам” Миллий мукофоти танловига маънавий-маърифий мавзудаги эшиттиришларимни тақдим этгандим. Камтарона меҳнатим юқори баҳолангани дилимни қувончга тўлдирди. Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон” саҳнат саройида мукофотни устозлар қўлидан оларканман, жамиятимизда миллий журналистикамизга бўлган эътиборнинг юксак даражада эканидан дилим яйради.

Аслида журналист яратувчанликни яхши кўради. Тингловчи ёки томошабинни қуруқ гап билан жалб этолмайсиз. Улар биздан ҳали ҳеч ким айтмаган, янги фикр туғдира оладиган сўзларни кутади. Мана шундай эҳтиромга муносиб бўлиш учун биз ҳам ўз ўрнида уларни ҳурмат қилишимиз керак. Тингловчи бизни овозимиздан танийди. Шу орқали уларнинг кўнгил тортларини чертамиз. Демак, овоз ва сўзимиз билан уларга таъсир қилсак, улар бизни тинглай бошлайди. Устозларимиз бизга доим: “Эфирга чиқдингизми, ўз фамилиянгизни ҳурмат қилинг”, — деган гапни кўп такрорлашарди. Мана шу бир оғиз сўз журналистга қанча масъулият юклайди.

Радиоканалимизга янги эшиттириш сифатида тайёрланган “Хайрли тонг” дастурини эфирга олиб чиқа бошлаганимга ўн йил бўлди. Мана шу қутлуғ йиллар давомида ушбу дастур орқали республикамизнинг кўплаб адабиёт, санъат, маданият фидойилари билан суҳбатлашдим.

Журналистлик касби машаққатли бўлиш билан бирга масъулиятли ва шарафли ҳамдир. Чунки у ўз кечинмаларини газета ёки эфирда ёритиб, халққа тақдим этади. Меҳнатлари эл-юрт томонидан муносиб баҳоланса, бу йўлда чеккан заҳматлари тезда унут бўлади. Буни “Олтин қалам” мукофотини олганимда, яна бир бор юрақдан ҳис этдим.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, журналистиканинг матбуот йўналиши бўйича «Олтин қалам» IV Миллий мукофот ғолиби, “Халқ сўзи” газетаси бўлим муҳаррири:

— Журналистикада сўз эркинлиги, фикрлар хилма-хиллигига эришиш муҳим омил саналади. Зеро, жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга холис ёндашиш, баҳс ва мунозараларда ҳақиқатни қарор топтиришда ҳур фикрлиликка таянилса, айни муддао бўлади. Бу ўз ўрнида тайёрлайдиган мақолаларимизнинг қизиқарли, ўқишли бўлишига кенг замин яратади.

Бугун давр ўзгарди. Жамиятимиздаги ўзгариш ва янгиланишларни холис ва тезкор, таъсирчан қилиб ёритишда зиммамизга юксак талаблар қўйилмоқда. Бу вазифаларни бажариш учун, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ички назоратни, андишани четга суриб қўйишимиз керак. Бирор корхона ёки ташкилотдаги камчиликларни кўра туриб, уларни танқид қилишдан қўрқсак, аниқки, аввало, ўзимизни ўзимиз алдаган бўламиз. Аксинча, мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган қусурларни бартараф этишда холис ёндошсак, юзимиз ёруғ, қаддимиз тик бўлади.

Журналист сифатида, қайси касб соҳиблари бўлишидан қатъи назар, одмигина ҳаёт кечираётган, аммо шу оддийлиги билан бошқаларга ўрнак бўлаётган юртдошларимиз ҳақида кўпроқ ёзгим келади. Бундай кишилар даврасида ғуборингиз тарқайди, уларнинг беминнат ишларини кўриб ҳавасингиз келади. Қолаверса, истиқлол берган имкон, Президентимизнинг ғамхўрлиги туфайли бугун энг оддий одамлар ҳам мулкдорга айланишди. Уларнинг ўз ютуғларидан завқланиб гапираётганини эшитиб, биз ҳам хурсанд бўлиб кетамиз.

“Халқ сўзи” газетаси саҳифаларида ана шундай юртдошларимизнинг фидокорона меҳнатларини, жамиятимиздаги янгиланишларни, меҳр ва эъзоздан баҳраманд ёшларимиз эришаётган ютуқ ва муваффақиятларни, Ватанга садоқат ва инсонийликни тараннум этишга бағишланган мақолаларим инобатга олиниб, ўтган йили “Олтин қалам” IV миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловда матбуот йўналиши бўйича биринчи ўринга сазовор бўлдим. Ёзганларимга қаратилган юксак эътибор ва хайрихоҳликдан бошим осмонга етди.

Давлатимиз раҳбари журналист виждон амри билан яшаши, ўз ишига қатъият ва масъулият билан ёндошиши зарурлигини кўп бора таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, биз — журналистлар ўз фаолиятимизга жиддий, танқидий нуқтаи-назардан баҳо беришни ўрганмоғимиз, шу билан бирга ҳар бир жараёнда виждон амрига қулоқ тутмоғимиз лозим. Шунингдек, бирор соҳа ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ўша касбнинг сир-асрорларига ақлимиз етадими-йўғми, умуман, мавзуга тайёргарлик, уни тадқиқ этиш каби малакавий хусусиятлар бизда етарли даражадами, деган саволларга амалий ҳаракатларимиз орқали жавоб беришимизни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бинобарин, журналист замон билан ҳамнафас яшамоғи учун унга нафақат истеъдод, балки янгича тафаккур ва кенг билим зарур. Бу борада «Олтин қалам» танлови журналистларни янада фаоллаштириш, тажриба ва малакаларини ошириш, шу йўл билан миллий матбуотимизни ривожлантириш учун хизмат қилмоқда.

Газетада ишлаш, оппоқ қоғозга муносиб сўз битиш осон эмас. Оддий бир мавзу ҳақида қалам тебратиш учун ҳам киши вужудида истеъдод бўлиши керак. Масалага шунчаки ёндошиш, қоғоз қоралашга масъулиятсизлик билан қараш оқибатида газета ўқишсиз, маззмунсиз чиқиши мумкин.

Ҳуқуқий демократик жамият барпо этишнинг муҳим шартларидан бири бу матбуотнинг эркинлиги, уларда фуқароларни ташвишлантираётган муаммоларнинг акс этиши экан, бунинг учун ёзмаса бўлмайдиган мавзуларни кўпроқ қаламга олишимиз керак, деб ўйлайман.

Дилфуза ЭСОНОВА, тележурналистика соҳасида «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти ғолиби, нодавлат телекомпаниялар телетармоғи “Парламент соати” кўрсатуви муаллифи ва бошловчиси:

— Истиқлол йилларида биз — журналистларнинг меҳнати давлатимиз томонидан рағбатлантирилаётгани ғайратимизга-ғайрат қўшиб, янги ижодий парвозларга руҳлантирмоқда. «Энг улуғ, энг азиз», «Йилнинг энг фаол журналисти», «Жамият ва мен», «Эътироф», «Атиргул» сингари кўрик-танловлар мунтазам ўтказилиб, уларнинг ғолибларига мукофотлар



топширилмоқда.

Ўтган йили камтарона ижодий изланишларим юқори баҳолангани мени беҳад қувонтирди. Бу мукофотни ўзим қатори ҳамкасблар меҳнатига берилган юксак баҳо деб биламан. Қолаверса, бу мукофот йил давомида томошабиннинг қалбидан жой оладиган янги-янги кўрсатувлар тайёрлашга ва олиб боришимга туртки бўлди. Масалан, ўз иқтидоримни «Парламент соати» кўрсатуви билан бирга «Сўз сизга» ток-шоусида ҳам синаб кўрдим. Бунда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ўртасидаги ғоя ва дастурлар кураши жонли, қизиқарли тарзда олиб борилди. Ҳудудий нодавлат телестанциялари орқали мулоқотлар уюштирдик. Бу қизғин баҳс-мунозарани «Парламент соати» ҳамда «Ҳудуд» ахборот-таҳлилий дастурларида ҳам ёритиб бораяпмиз.

Мурод АБДУЛЛАЕВ, «Мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун» «Олтин қалам» IV Миллий мукофот совриндори, «O'zbekiston adabiyoti va san'ati» газетаси бош муҳаррири ўринбосари:

— Мамлакатимизда журналистика соҳасида «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказиб келинаётгани ўз қалби, сўзи билан жамиятга хизмат қилаётган, ютуқларидан қувониб, муаммоларини танқидий нуқтаи назардан ёритаётган журналистларни янги-янги ижодий парвозларга чорламоқда. Ўтган йилги совриндорлар сафида менинг ҳам борлигим қалбимга чексиз қувонч бағишлади. Камтарона меҳнатимга берилган ушбу юксак эътибор касбимга янада маъсулиятлироқ бўлишга ундади. Келажакда амалга оширишим лозим бўлган эзгу ишларга куч бағишлади. Йил давомида газетамиз нашрларида атроф-муҳит ва экология муаммоларини акс эттирган кўплаб мақолаларим эълон қилинди.



Лекин биз — журналистларнинг халқимиз олдида қиладиган ишларимиз кўп. Журналистни жамиятнинг шифокори дейишади. Чунки фуқароларнинг маънавият ва маърифатга бўлган эҳтиёжини қондириш, азиз ва мўътабар Ватанимизнинг истиқлолини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиш биз — журналистларнинг маънавий бурчимиздир. Юртбошимиз томонидан оммавий ахборот воситаларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва рағбатдан барча ҳамкасбларим бахраманд бўлишларини истайман.

Чиндан ҳам жаннатмонанд ўлкамиздаги ҳар бир журналист, ижодкор учун «Олтин қалам» халқаро танлови юксак фахр, ғамхўрлик, эътибор намунасига айланмоқда. Бу эса келгусида унинг парвози янада баланд бўлишидан далолат беради.

Адиба УМИРОВА

ФИКР

Ўқувчи бадиий китоб ўқияптими?

Курсдош ўртоғим бирга имтиҳонга тайёрланиш учун уйига чақирди. Бордим. Иқтисодиёт назариясига оид билимларимизни синовдан ўтказиш учун бир-биримиз билан баҳслашаётганимизда, хонага 15-16 ёшлардаги укаси кириб келди. У қўлидаги китобга ишора қилиб, “Ака, бу асарни ўқиганмисиз?” дея сўради. Эътибор бериб қарасак, қўлидаги китоб ўзбек романчилигининг асосчиси, таниқли адиб Абдулла Қодирийнинг машҳур “Ўткан кунлар”и экан. “Ҳа, ўқиганман”, — деди ўртоғим алланечук ғурур билан. Укаси эса шу гапни кутиб тургандай шошапиша китобни стол устига қўйди ва дафтарини очиб, ёзишга тараддудланди-да: “Ака, унда асар ҳақидаги фикрларингизни айтиб беринг. Домламиз, иншо ёзиб келишимизни буюрганди”, — деди. “Китобни ўқиб, кейин ўз фикрларингни ёзсанг бўлмайдими?” — деди курсдошим менинг олдимда хижолат бўлиб. Ахир, у курсимиздаги энг намунали, ўқимишли йигит-да. Унинг укаси эса “Ўткан кунлар”ни ўқимаган бўлса-я?! Ҳа, дўстим уялиб кетди, шекилли, укасининг: “Бунақа катта китобларни ўқиш қийин-ку”, — дейишига қарамай, унга асарни мутолаа қилишини қаттиқ тайинлади...

Сирасини айтганда, бугун нафақат курсдошимнинг укаси, балки кўпларимиз адабиётимиз намояндалари олдида хижолатдамиз. Чунки ўқувчилар орасида мустақил мутолаа қилиш у ёқда турсин, ҳатто дарсликка киритилган асарларни ҳам ўқимаётганлари йўқ эмас. Интернет деб аталмиш гирдобга ўзини ураётган баъзи ёшларда китоб ўқиш кўникмасини ривожлантиришнинг қулай йўлларидан бири эса дурдона асарларимизнинг электрон вариантини кенг қўламда тарқатишга эришишдир. Шу боис ҳам ҳозирги кунда барча кутубхоналаримизнинг китоб фонди электронлаштирилмоқда. Зора, китоб титкилашни малол билаётганлар интернет орқали мутолаага киришишса...

Равзатулло ОДИНАЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси

Бу пурвиқор тоғлар, кўм-кўк майсалару серҳосил дарахтларга боқиб, она табиатимизнинг саховатига таҳсинлар айтгинг келади. Зотан, биз учун ўз юртимиз табиатидан кўра гўзалроқ гўша йўқ. Уни асраш эса ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.



Журналнинг янги сони

Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигида чоп этиладиган “Ҳидоят” журналининг март ойи сони нашрдан чиқди.

Журнал Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг “Исломда оиланинг ўрни” мақоласи билан очилади. Унда оила ва унинг фарзанд тарбиясидаги ўрни, юртимизда жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилага қаратилаётган эътибор хусусида сўз юритилади. Бундан ташқари, журнал мундарижасидан “Тозалик имоннинг ярмидир”, “Наврўз — умумхалқ байрами”, “Ўзбекистон — бағрикенг диёр”, “Обидлик ҳақиқати”, “Ислом дини гўзал хулққа чақиради”, “Куннинг кўзи очилди”, “Бола билан теливизор”, “Офият кунжи манга эрди мақом”, “Иқлим исишига доир”, “Бир туп ўрик” каби диний-маърифий, ижтимоий мавзудаги мақолалар ва ибратли ҳикоялар, шеърлар, ҳадислар ва уларнинг шарҳлари, фойдали маслаҳатлар ўрин олганки, уларнинг барчаси нозиктаъб муштарийларга манзур бўлади.

Фарида ҚУРБОНОВА

АКС САДО

Танқид ёзишдан нега чўчиймиз?

Журналист Ситора Тожиддинованинг “Hurriyat” газетасининг 2010 йил 3 февраль сонида чоп этилган “Газетахоннинг истагини ўрганаяпмизми?” номли мақоласи мавзуга долзарб бағишланган.

ГАЗЕТХОННИНГ ИСТАГИНИ ЎРГАНАЯПМИЗМИ?

Муаллиф таъкидлаганидек, газетахонни ўзига жалб этадиган мақолалар ёзиш, уларнинг фикру мулоҳазалари, қизиқишу эҳтиёжларини ўрганиш жуда зарур. Мен бир кекса газетхон сифатида мақолада келтирилган “Газетхонни ўз ортидан эргаштира олган, унинг хоҳиш-истакларини, талаб ва истакларини, умуман олганда, руҳиятини ўрганган таҳририят муваффақиятга эришади. Одамларнинг кўнглига тугиб юрган саволларига жавоб бера оладиган газетани ўқувчи севиб ўқийди”, — деган фикрни қувватлайман.

Ҳеч кимга сир эмас: ҳозирги одамларни олди-қочди ва мақтовли мақолалар эмас, ўринли танқид ва фельетонлар қизиқтиради. Шунинг учун қайси нашр қизиқарли ҳажвия, танқид, фельетонни кўпроқ берса, ўша газетани ўқувчи излаб, топиб ўқийди. Балки, вилоят, туман, шаҳар нашрлари ҳокимлик тасарруфида бўлгани учунми, танқидга кам эътибор беришар. Лекин марказий, мустақил газеталар жамиятдаги иллатларни фош қиладиган ўткир танқид ва фельетонлар беришдан нега чўчийди, ахир?!

Бир нарсага ҳайрон қоламан: Юртбошимиз жойларга бориб, ўша ҳудуддаги камчилик, нуқсонларни очиб берсаларгина, матбуотда танқидвозлик кучаяди. Нега йўл қўйилган шу хатоларни журналист аввалроқ танқид қилмаган? Чунки кўплаб журналистларнинг шиори: “Оч қорним — тинч қулоғим” бўлиб қолгандек...

Муаллиф айтганидек, сўровномалар уюштириш ва газетхонлар билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини, қизиқишларини ўрганиш, қалами ўткир чет муаллифларни рағбатлантириб бориш таҳририятга муваффақият келтиради. Қолаверса, ҳар бир нашр “Газетхон саҳифаси”, “Босилмаган хабарлар”, “Ошкора фикрлар”, “Бизга ёзадилар” каби рукнлар очса, уларнинг фаол муштарийлари сони ошиб бораверади. Зотан, “Хат ортида инсон бор” деганларидек, жўнатилган ҳар бир мактуб эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Нурбек РАҲИМ,
Фарғона вилояти

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДАРАКЛАР

МЕТРОДАГИ ХУНРЕЗЛИК

Москва шаҳрининг "Лубянка" ва "Парк культуры" метро бекатларида душанба куни эрталаб террорчилик акти амалга оширилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, портлаш оқибатида 39 нафар йўловчи ҳалок бўлган. Ҳозиргача ҳаётдан кўз юмганлардан 22 нафарининг шахси аниқланди.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг айтишича, ҳар икки станцияда ҳам портлашни камикадзе аёллар амалга оширган. Ҳозирда уларнинг шериклари —икки аёл ва бир эркак қидирилмоқда.

Прокуратура жиноий иш очди. Россия бош прокурори Юрий Чайка қидирув-тергов ишларини шахсан ўз назоратига олди.

Мамлакат ҳукумати бошлиғининг матбуот котиби Дмитрий Песковнинг таъкидлашича, террорчилик туфайли ҳалок бўлганларнинг оилаларига бир миллион рубль, жиддий тан жароҳати олганларга 400 минг рубль, енгил тан жароҳати олганларга 200 минг рубль миқдорида қоплама пули тўланади.

Маълумотларга қараганда, шаҳар милицияси хунрезликка тайёргарлик кўрилаётганидан хабардор бўлган. Шу боис портлашга қадар метро бекатларида ҳужжатларни текшириш бошланган. Лекин улар террорчиларни тутишга улгуришмаган.

ШАХТЁРЛАР ЕР ТАГИДА ҚОЛИШДИ

Хитойнинг шимолида жойлашган Шаньси провинциясидаги кўмир шахтасида ҳалокат содир бўлди. Натижада 152 шахтёр ер тагида қолиб кетди. Хабарда айтилишича, шахтанинг бўлакларидан бирини сув босган. Ҳалокат пайтида шахтада 261 нафар шахтёр бўлган. Уларнинг юз нафардан кўпроғи ташқарига чиқишга муваффақ бўлган. Ҳалокатга нима сабаб бўлгани ҳозирча номаълум.

Эслатиб ўтамиз, шу ойнинг бошида ҳам Хитойда шахтани сув босиши натижасида 77 шахтёр ер тагида қолиб кетганди. Уларнинг 46 нафари ўзлари ер устига чиқишга муваффақ бўлган, қолганлари эса ёрдам келишини кутишган эди.

ЯНГИ РАКЕТАЛАР СИНОВИ

Ҳиндистон қуролли кучлари томонидан яқин радиусга учадиган "ер-ер" классли Prithvi-II ва унинг денгиздаги варианти Dhanush-II нинг синови муваффақиятли ўтди. Бу ҳақда The Times of India хабар тарқатди.

Маълумотларга қараганда, Prithvi-II Чандипур полигонидан, Dhanush-II эса Бенгал кўрфазида ҳаракат қилаётган «Субхадра» кемасидан отилган. Икки ракета ҳам нишонга тўғри етиб борган.

Ҳозир Ҳиндистон армиясида 1991 йилда ишлаб чиқарилган ва 150 километрга уча оладиган Prithvi-I ҳамда кемадан учириладиган ва 295 километрдаги нишонга тўғри етиб бора оладиган Dhanush-I ракеталари бор.

ЎТГАН ЙИЛГИДАН ИККИ БАРАВАР КЎП

Жорий йилнинг январь ва февраль ойлари давомида Афғонистонда АҚШнинг 57 нафар аскари ҳалок бўлди. Associated Press мухбири ушбу хабарни тарқатар экан, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар кўп эканлигини қайд этди.

Мухбирнинг таъкидлашича, март ойида ҳам АҚШ армияси 20 нафар аскаридан айрилган. Ўтган йилнинг мартида 10 нафар аскар ҳаётдан кўз юмган эди. Йил бошидан буён жароҳатланганлар сони уч бараварга кўпайди.

Сиёсатчилар толибларга қарши кенг кўламли кураш бошлангани учун қурбонлар ва жароҳатланганлар сони ҳам кўпаяётганини таъкидлашмоқда.

ЧЕКЛАШЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ



AFP хабарига қараганда, Европа Иттифоқи ва Ливия виза беришдаги чеклашларни бекор қилган. 2008 йилда Ливия ЕИнинг "қора рўйхати"га кирган ва ушбу мамлакат фуқароларининг Шенген ҳудудига келиши тақиқлаб қўйилганди. Бундан буён бу тақиқ бекор қилинди. Бунга жавобан расмий Триполи ҳам яқин кунларда европаликларга Ливияга келишга виза бера бошлайди. Бу ҳақда Ливия ва ЕИга раислик қилаётган Испания ҳукумати ўртасида расмий ҳужжат имзоланди.

2008 йилда Швейцария давлати ҳудудида Ливия президенти Муамар Қаззофийнинг ўғли қамоққа олингандан сўнг виза жанжали келиб чиққан ва икки юзга яқин ливиялик давлат ҳамда ҳукумат арбобларига Швейцарияга келишга рухсат берилмаган эди. 2009 йилда бунга жавобан Ливия Шенген ҳудуди мамлакатлари фуқароларига виза беришни тўхтатиб қўйганди.

Испания ташқи ишлар вазири барча ливияликлардан ЕИ номидан кечирим сўради ва "қора рўйхат" Европа Иттифоқи томонидан эмас, Шенген ҳудуди мамлакатлари ташаббуси билан ташкил этилганини таъкидлади. Швейцария Шенген ҳудудига кирган бўлса-да, ЕИ таркибида эмас.

ВАЗИЯТ ИЗГА ТУШАЯПТИ

2009 йил давомида Озарбойжон ва Арманистон ўртасидаги келишмовчиликнинг сабаби бўлиб турган Тоғли Қорабоғдаги тўқнашувларда 19 нафар киши ҳаётдан кўз юмган. Бу хабарни ЕХҲТ вакили Ангжей Каспршик берган маълумотга асосланиб, «Тренд» ахборот агентлиги мухбири тарқатди.

ЕХҲТ вакилининг айтишича, бу ерда ҳар йили 30 нафардан кўпроқ киши миллатлараро можаро қурбони бўларди. Кейинги пайтларда икки давлат ўртасида можарони тинч йўл билан ҳал этиш борасида олиб борилаётган музокаралар туфайли ҳудудда вазият изга тушиб бормоқда.

Эслатиб ўтамиз, Озарбойжон таркибидаги Тоғли Қорабоғ автоном вилояти 1991 йилда ўзини мустақил давлат деб эълон қилган, шундан буён расмий Боку ва Ереван ўртасида келишмовчилик ҳукм суриб келади. ЕХҲТ эса Россия, АҚШ ва Франция иштирокида бу можарони тинч йўл билан ҳал этишга уринмоқда.

ҚУРОЛ ОЛИБ ЮРИШ МУМКИН ЭМАС

АҚШ Федерал суди Вашингтонда қурол олиб юришни тақиқлаш тўғрисида қарор чиқарди. Суд аввал ҳам худди шундай қарор чиқарган, аммо бу қарор Олий суд томонидан бекор қилинганди.



Мамлакат конституциясига киритилган иккинчи ўзгартиришга биноан халқ қурол олиб юриши ва сақлаши мумкинлиги айтилган. Аммо қарорни қабул қилган судья Рикардо Урбанининг айтишича, қурол олиб юриш иккинчи тузатишда ўзини ўзи ҳимоя қилиш доирасидан чиқиб кетди. У одамларнинг ҳаётига хавф солмоқда. Конституцияга киритилган ўзгартириш эса қурол ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатига хизмат қилаяпти.

1976 йили Вашингтонда қурол олиб юриш тақиқланган эди. 2008 йилда эса қўриқчи Энтони Хеллер Олий судга мурожаат қилиб, мамлакат конституциясига киритилган иккинчи ўзгартириш бажарилмаётганини баён қилгандан сўнг, у бекор қилинганди.

ҚАРОҚЧИЛАР ЯНА ЎЗЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

Сомалилик қароқчилар Эроннинг Talca кемасини гаровга олишди. Reuters хабарига қараганда, апелсин ортилган кема Мисрдан Эронга йўл олган эди. Юкнинг баҳоси тўрт миллион долларни ташкил этади.



ОАВ хабарларида айтилишича, ҳозир кема Сомали қирғоқларидан 640 километр узоқликда ушлаб турилибди. Кемада нечта одам борлиги номаълум. Қароқчилар қанча гаров пули талаб қилаётгани ҳақида ҳам ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ.

Сўнгги хабарларга қараганда, сомалилик қарорчилар бугунгача тўққизтадан кўпроқ кема ва 150 нафар денгизчини гаровда ушлаб туришибди.

МАҲСУЛОТ ЎРНИГА МАРИХУАНА

АҚШнинг Жоржия штатидаги Мариетта шаҳрида жойлашган кичкина ошхона ходимлари буюртма қилинган маҳсулотлар ўрнига бир халта марихуана олишди. Ошхона ходимларининг гапига қараганда, улар овқат пишириш учун керак бўладиган маҳсулотлар, жумладан, ун, шакар, ёғ ва сабзавотларга буюртмалар берар эди. Якшанба куни ходимлар доимий маҳсулотлар билан бирга, юк ортиш платформасини таъмирлаш учун бир пакет эҳтиёт қисмларга ҳам буюртма беришди.

Орадан кўп вақт ўтмай барча маҳсулотлар келтирилди. Ошпазлар бир халтани очиб ҳайрон қолишди. У марихуана билан тўла эди. Улар шу заҳоти полицияга қўнғироқ қилишди. Полиция зобити Майкл Гарднернинг қайд этишича, халтада 272 килограмм марихуана моддаси бор экан. Ҳозирча бу юк қандай қилиб буютмалар столиги келиб қолгани текширилмоқда.

АВТОҲАЛОКАТ ТУФАЙЛИ

Жанубий Корея пойтахти Сеулдан 150 километр узоқликдаги Тэан шаҳарчаси яқинида рўй берган автоҳалокат туфайли саккиз нафар юқори лавозимли амалдор вафот этди. Yonhap ахборот агентлигининг хабарида айтилишича, тунда улар минган микроавтобус қирғоқ ёқасидаги чўққига келиб урилган. Ҳалокат оқибатида машинадагиларнинг барчаси ҳалок бўлган.

Полиция вакилларининг айтишича, ҳалок бўлганларнинг етти нафари мамлакат қишлоқ хўжалик вазирлиги ходимлари бўлган. Рулда эса Тэам уезди маъмурияти ходими эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ИЗЛАНИШ

ПАНДЕМИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

бу борада олимлар биринчи қадамни ташлашди

Пандемия бирор-бир вируснинг бирданига авж олиб, кенг тарқалашидир. Тарихга назар соладиган бўлсак, у ҳар юз йилликда уч-тўрт марта пайдо бўлади. Чунки вируслар инсондан-инсонга осонликча ўтиш хусусиятига эга. Шу боис пандемияни олдиндан башорат қилиш мушкул.

Маълумки, ўтган йилнинг апрель ойида дунёда чўчқа гриппи тарқала бошлаган пайтда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тузилган махсус гуруҳ касалликнинг олдини олишга ҳаракат қилди, лекин уддасидан чиқа олмади. Эпидемия қисқа вақт ичида деярли барча минтақаларга ёйилиб кетди. Касалликка қарши кечроқ бўлса ҳам вакцина ишлаб чиқилди, аммо унгача минглаб одамлар ҳаётдан кўз юмди.

Мана, орадан бир йил вақт ўтиб, вазият анча ижобий томонга ўзгарди. Бу — яхши, албатта. Вирусологларнинг фикрича, A/H1N1 вируси чиндаам ўта хатарли бўлиб, у кириб бормаган ҳудуд қолмади ва қурбонлар сони олдинги пандемия даврига нисбатан кўп бўлди. Давом этаётган мазкур воқеаларни инобатга олиб, бугун бир гуруҳ олимлар дунёнинг энг олис нуқталарига, чакалакзорларга сафар уюштириб, хавфли вируслар инсонга таҳдид солмасидан олдин уларни аниқлашмоқчи. Мазкур эзгу иш билан АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида етти йил аввал ташкил этилган тадқиқот институтида "Вирусларни башорат қилиш бўйича глобал ташаббус" экспедицияси шуғулланиб келмоқда. Тадқиқотчилар учун бундай хавфли вируслар оз ё кўплиги ҳамон жумбоқ бўлиб қолмоқда.

— Борликда кўплаб номаълум ва хавфли касалликлар мавжуд. Шундай экан, жиддий эпидемиологик назоратсиз уларни пайқаб бўлмайди, — дейди институт раҳбари Натан Вульф.

Махсус гуруҳ эътибори асосан ҳайвонларга қаратилган. Чунки тиббиётда шу вақтга қадар тарқалган юқумли вирусларнинг аксарияти ҳайвонот дунёси билан боғлиқлиги маълум. Шунинг учун тадқиқотчилар чакалакзор атрофида яшовчи маҳаллий аҳолини ўрганишди ва улар орасида маймун чечагига йўлиққанлар сони бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқ эканини аниқлашди. Энди улар янги пандемиялар ривожланиб кетишининг олдини олишга ҳаракат қилишмоқда.

2007 йили "Nature" журналида институт олимларининг мақоласи эълон қилинди. Унда таъкидланишича, ҳайвон вируси одам организмига астасекинлик билан ўрнашиб оларкан. Инсон касалликни келтириб чиқарувчи микроорганизмларни ҳайвондан тўғридан-тўғри қабул қилар экан. Уларнинг айримлари нобуд бўлишидан олдин кишилик орасида тарқалишга улгурар экан. Вақт ўтиши билан вирусда мутация жараёни кечиб, даҳшатли тус ола бошларкан ва инсон вирус ташувчига айланиб қоларкан.

Бундан икки йил муқаддам ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 1940 йилдан то 2004 йилга қадар аниқланган 335 турдаги касалликнинг 60,3 фоизи ҳайвонлардан (асосан ёввойиларидан) тарқалган. Уларнинг энг даҳшатлиси — СПИД (ОИТС) вируси. Эбола иситмаси, ҳаттоки безгак билан, аввало, маймунлар касалланган. Масалага янада ойдинлик киритиш мақсадида олимлар Камерун ва Кот-д"Ивуарда юзга яқин шимпанзе — маймунларнинг қонини текширишган. Шунда фанга бутунлай номаълум саккиз турдаги безгак қўзғатувчи вируслар аниқланган. Улар хилма-хил генетик хусусиятга эга бўлиб, баъзиларининг тузилиши инсон организмида учрайдиган вирус қўзғатувчиларга ўхшаб кетади. Фандаги бу кашфиёт долзарб саволларга жавоб бўлиб, энг хавфли касалликлардан бири қандай пайдо бўлгани ҳақида тасаввур уйғотди.

Эпидемиологик назорат ҳудуди ривожланган мамлакатлар ҳамда Африкани қамраб олган. Чунки ҳалокатли пандемиялар асосан шу ерларга тааллуқлидир. Тадқиқотчиларнинг асосий "объекти" — йиртқич ҳайвон, улкан каламуш, маймун ҳамда кийиклар бўлган. Уларнинг иши яхши кетишида эса ўша ҳудуддаги маҳаллий қабила бошлиқлари яқиндан ёрдамлашмоқда. Эътиборли томони, ҳар олти ойда бутун қабила вакиллари қон топшириб, тиббий кўрикдан ўтади. Мана шу тарзда дастурнинг самарали кечишига эришилмоқда.

2004 йилда эса институт олимлари касалликларнинг олдини олиш бўйича бир қатор нуфузли марказлар билан ҳамкорликда ҳайвон вируси одамга юқаётган пайтини "ушлаб" қолишди. У ВИЧ вирусига яқин бўлса-да, аниқ бир оғир дардга олиб келмади. ВИЧ вируси дастлаб одамга бир неча йиллар илгари юққан. Мутахассисларнинг тахминича, бунга инсонни ҳайвон тишлаб олиши натижасида юзага келган жароҳат сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Юқоридаги муҳим янгилик касаллик қўзғатувчининг ҳайвондан инсонга қай тарзда осонликча ўтишини кўрсатди. Энди мутахассислар бу вируслар бора-бора жиддий зарар етказиши мумкинми ёки йўқми, шуни ўрганишмоқчи. Хитой, Малайзия, Лаос, Конго ва Мадагаскардаги илмий текшириш институтлари вакиллари ёввойи ҳайвонлар билан "ёнма-ён" яшовчи аҳоли орасида бўлиб, хатардан бир қадам олдинда юришга баҳоли қудрат ҳаракат қилишаяпти.

Келажакда бу ишларнинг кўлами янада кенгаяди, буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шунинг учун олимлар дунё миқёсида тармоқ қуриб, ҳар бир "қайноқ нуқта"ни назорат қилишмоқчи: йиртқич ҳайвонлар вируси ҳақида маълумотлар базаси тузишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Шу асосда олимлар инсониятга бемисл хавф туғдириши мумкин бўлган хасталиклар тўғрисида худди метеорологлар каби олдиндан башорат қилиш имкониятига эга бўлишди. Энг муҳими, тўғри ташхис қўйилади, касалликларга қарши дори-дармон тайёрлашга, вакциналар яратишга вақт ва асос етарли бўлади.

Эҳтимол, бу ишлар амалда ўзининг мевасини бериши учун яна бирон-бир муддат кетар. Янги вирусни аниқлаш — бу биринчи қадам, холос. Вазиятни мунтазам назорат қилиш мушкул. Вирус жамиятга қай даражада таҳдид солади? Ёки қандай тарқалади? Бу жараён қандай кечади? Аввало, мана шу оғриқли саволларга жавоб топиш лозим. Ана шунда юз бериши мумкин бўлган пандемиянинг олди олинса, ажаб эмас. Зеро, ҳамма замонларда бўлгани каби XXI асрда ҳам инсон саломатлигини сақлаш асосий ижтимоий масала бўлиб қолаверади.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ тайёрлади.

ТАҚРИЗ

ИККИ ИСТЕЪДОД ТУТАШИ

Ҳозирги кунда жаҳон адабиётининг сара асарларини бевосита аслият тилидан она тилимизга таржима этиш тажрибаси тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Табиийки, ўзбек адабиёти хазинасини бойитаётган ва халқимиз маънавий мулкига айланаётган бундай таржималар бизни дунё маданиятига янада яқинлаштиради.

Таниқли шоир, тарихчи ва тасаввуфшунос олим, етук таржимон Садриддин Салим Бухорий машҳур немис адиби Йоханг Волфганг Гёте қаламига мансуб "Ғарбу Шарқ девони"ни немис тилидан бевосита ўзбекчага таржима қилиб, ушбу асар матни ва унга оид илмий тадқиқотларини китоб ҳолида ўқувчиларга тухфа этишга жазм қилган эди. Афсуски, моҳир таржимон китоб нашрдан чиқиши арафасида оламдан ўтди. Ўзининг бу эзгу орзуси рўёбини кўриб улгурмади. Биз яқин кунларда китобхон қўлига тегадиган ана шу таржима асарнинг ўзига хос айрим жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Гётенинг ушбу асарида Шарқ нафаси уфуриб турганини нафақат унинг номидан, балки "Муғаннийнома", "Ҳофизнома", "Ишқнома", "Ҳикматнома", "Темурнома", "Зулайҳонома", "Масалнома", "Форсийнома" каби шарқона номланган ўн икки боби мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Таржимон Садриддин Салим Бухорий бу жиҳатларга алоҳида эътибор берган. Шунинг баробарида, у китобга тартиб беришда Гёте нуқтаи назаридан ёндошган. Яъни нашрнинг биринчи қисми "Ғарбу Шарқ девони"нинг назмий шеърларидан ташкил топган бўлса, иккинчи қисмида эса бадиий-фалсафий шарҳларга кенг ўрин берилган.

Шу ўринда Гёте девонининг юқорида санаб ўтилган назм бобларидаги баъзи шеърлар ушбу китобга киритилмаганини эслатиш жоиз. Таржимон бу ҳақда тўхталар экан, камтарлик билан: "Айрим таржималарим ўзимга маъқул бўлмагани учун уларни китобга киритмадим", — дея қайд этади. Китобга тартиб беришда айнан шарқона руҳ ва оҳангдаги шеърлар саралаб олинганини эътиборга олсак, фикримизча, Гёте девонининг мазмун-моҳиятига мутлақо зиён етмаган. Зеро, тўпламга жо қилинган шеърларда шоирнинг қариган чоғида нима сабабдан "Шарққа ҳижрат қилиш" учун чоғлангани аниқ ва равшан акс эттирилган.

"Ғарбу Шарқ девони"га хос нозик ва мураккаб хусусиятлар таржимондан катта тажриба, билим ва маҳоратни талаб этишини алоҳида таъкидлар эканмиз, ушбу асар таржимасининг қўлёзмаси билан танишиш асносида, шоир-таржимон Садриддин Салим Бухорий ана шундай масъулиятли илмий-ижодий меҳнатни онгли равишда ўз зиммасига олган ва уни муваффақиятли адо этган, деган фикрга келамиз.

Таржимон эришган бу ютуқнинг муайян омиллари бор, албатта. Авваламбор, Гёте ҳам, унинг ўзбек таржимони ҳам шоир, уларнинг орасида руҳий-маънавий яқинлик мавжуд. Маълумки, Гёте Ҳофиз девонини Фон Хаммер таржимасида мутолаа этиб, азбаройи таъсирланганидан ўзини Шероз булбулининг муриди, деб эълон қилган. Гёте Ҳофиз орқали Шарққа бир умр муҳаббат боғлаб, "Ғарбу Шарқ девони"ни битган.

Ҳофиз ғазалиётига сингдирилган ғоя, яъни муҳаббат — бу инсоннинг бутун борлиғини эгаллаб, ўзўзини унутиш даражасига олиб чиқувчи олий неъмат, деган фалсафани Гёте "Зулайҳонома"да ўзига хос тарзда ривожлантиргани янада қизиқарли ижодий тажриба бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Гёте Ҳофиз асарларини қанчалик ихлос ва иштиёқ билан севиб ўқиган бўлса, Садриддин Салим Бухорий ҳам Гёте ижодини шунчалик ардоқлайди. У Гётени чуқур ўрганган сари у билан ўзининг ички яқинлигини чуқур ҳис қила боради. Буни таржимоннинг Гёте ижодини тадқиқ этиш борасидаги кўп йиллик меҳнати ва эришган натижалари яққол тасдиқлаб турибди.

Маълумки, чорак аср давомида ушбу асарнинг айрим боблари Садриддин Салим Бухорийнинг бевосита немис тилидан қилган таржимасида турли газета ва журналларда эълон қилинган ва адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган эди. Ғайбулла Саломов, Нажмиддин Комилов, Янглиш Эгамова, Салим Жабборов, Камола Бобожонова каби машҳур адабиётшунос ва таржимашунос олимлар ўзларининг илмий асар ва мақолаларида таржимон маҳоратини юқори баҳолашгани бежиз эмас.

Таржимон муваффақиятининг яна бири шуки, немис тили ва адабиёти билимдони сифатида гётеёна фалсафийликни, донишмандликни ва шарқона руҳни тўғри англай олганидадир, десак, хато бўлмайди. Унинг "Ғарбу Шарқ девони" таржимасига қўл уришдан олдин нафақат таржимон, балки гётешунос олим сифатида ушбу асар ҳақида немис тилида ёзилган илмий-адабий ва тарихий маълумотлар билан чуқур танишгани, бу мавзуда бир қатор илмий мақолаларни матбуотда эълон қилгани фикримизни исботлайди.

Садриддин Салим Бухорий ижодида образ ва ташбеҳларнинг турли-туманлиги, фалсафий мушоҳаданинг кенглиги, шунингдек, шарқ шоирлари, айниқса, Ҳофиз ижоди билан ошнолиги, унинг шеъриятини форсийда ўқиш, тушуниш, англаб олиш салоҳияти Гётенинг "Ғарбу Шарқ девони"ни ўзбек тилига маромига етказиб таржима қилиш учун жуда қўл келган, назаримизда. Зотан, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Муҳаммад Ориф Ревгарий, Али Ромитаний каби азиз авлиёларнинг форсий тилдаги назмий мероси айнан Садриддин Салим Бухорийнинг жозибадор қалами шарофати билан ўзбек китобхонларининг маънавий мулкига айланганини яхши биламиз.

Кези келганда, Шарқ маданиятида тасаввуфнинг ўрни ва роли беқиёс эканини таъкидлаш жоиз. Уни билмасдан туриб, мусулмон Шарқини тушуниб ҳам, тушунтириб ҳам бўлмайди. Тасаввуф, биринчи навбатда, жамият тарбияси ҳақидаги илмдир. Тенгликка, ҳурфикрлиликка, адолатга таянган билимдир.

Мухтасар айтганда, Гёте даҳоси, унинг "Ғарбу Шарқ девони" таржимондан ниманики талаб қилса, буларнинг барчаси Садриддин Салим Бухорийда мавжуд бўлгани ушбу асарнинг таржимаси муваффақиятли чиқишини, таъбир жоиз бўлса, ҳам буюк немис шоирининг, ҳам моҳир ўзбек таржимони ва шоирининг ноёб иқтидори ярқ этиб намоён бўлишини таъминлаган.

Президентимиз "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" китобида ўзбек адабиётининг бугунги куни ва эртанги истиқболи ҳақида сўз юритар экан, жумладан, дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш, ўрганиш билан боғлиқ тажрибаларга, чет эл ёзувчилари билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига эътиборни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидлайди. Юртбошимиз қайд этганидек, "Ҳолбуки, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобиғимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак".

Шу маънода, Гёте қаламига мансуб "Ғарбу Шарқ девони" асарининг марҳум шоиримиз Садриддин Салим Бухорий амалга оширган ўзбек тилидаги таржимаси ва ижодкор ҳақида ёзган илмий-адабий мақолаларни ўз ичига олган ушбу китоб бошқа соҳалар қатори адабиёт йўналишида ҳам халқаро ҳамкорликни кучайтириш, шу жумладан, Ғарб ва Шарқ ўртасида адабий алоқаларни янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлишига ишонамиз.

Акмал САИДОВ,
профессор

СУРУР

Шаҳрисабз адабиёти манзаралари

Шаҳрисабз азал-азалдан тарих зарварақларида марварид бир дурдона саналиб келинган улуғ диёр. Бу ердан мангуликка дахлдор не-не буюк олимлар, шоирлар, адиблар, саркардалар-у арбоблар етишиб чиққани жаҳонга аён. Сўз султони Мир Алишербекдек зукко зот ҳам шаҳри Кешда меҳмон бўлиб, Самарқандга ўтаркан, бу шаҳарнинг ёқимли иқлимини, юксак маънавиятли, маърифатпарвар, меҳмоннавоз халқини улуғлаб: "Кишвори дилкаш", дея таърифлаган ва буюк "Ҳамса"даги "Сабъайи сайёр" достонининг 840 мисрадан иборат катта бир ҳикоятини ҳамда "Қуббатул ҳузро" яъни "Яхшилик тожи" деб номланган қисмини ана шу шаҳар таърифига бағишлаган. Бу ҳам Шаҳрисабзда адабий муҳит, санъат-у меъморчилик, маданият ва маънавият, айниқса, темурийлар даврида юксак поғонага кўтарилиб, гуллаб-яшнаганидан далолат беради.

XX аср бошларида тошбосма усулда босилган "Туҳфатул аҳбоб фи тазкиратул асҳоб маъ тарихи касирон мажмуайн Салимий" деб номланган тўплам-га Бухоро амирлиги тасарруфидаги вилоятларда яшаган 220 дан ортиқ қалам аҳли, жумладан, шаҳрисабзлик ижодкорлардан ҳам бир нечтаси киритилган. Кейинчалик эса узоқ муддат орасида ўшандай тўплам яратилмади. Янада равшанроқ айтадиган бўлсак, ундай маърифатли китобларнинг яратилишига, адабиётимизнинг ривожига имкон берилмади. Бу тарихий далиллар ҳеч қачон инкор этилмайди.

1964 йилда педагог олим, шоир Шарафжон Орифийнинг ташаббуси билан Шаҳрисабзда "Навқирон" ижодкорлар уюшмаси тузилди. Ана шу уюшма кўплаб умидли ёшларни кашф қилди, десак, янглишмаймиз.

Аниқ эсимда: 1955 йил. Ҳозирги Ойбек номли мактабнинг 10-синфида ўқирдик. Ўқитувчимиз Олимжон Қобилов домла Ойбекнинг "Қутлуғ қон" романи ҳақида мароқ билан дарс ўтаяпти. Дарс тугади. Хайрлаша туриб, ўқитувчи менга ишора қилди. Ортидан чиқдим.

— Тайёрлан, шаҳарга шоирлар билан учрашувга олиб бораман, — деди у киши.

Шаҳарга бордик. Санъат саройи одамларга тўлиб кетган. Минбарда Шарафжон Орифий. У киши аллома шоир Қори Абдулла Гулшаний, ҳаттот ва шоир Равнақий, Зоҳир шоир Қўчқор ўғли бахшиларни навбат билан таништирди.

Мен бундай катта йиғинни, бугунги ижодкорларни ҳам биринчи бор кўришим эди. Энди ўша шоирлар ёнида Олимжон Қобилов, мен, Неъмат Арслон, Ниёз Қурбон, сал кейинроқ Мақсад Ҳамро, Бозор Номоз, Бозор Болта, Моҳира Мажидова, Фазлиддин Шариф, Лола Ўроқова, Абдинаби Бобоёр, Қурбон Али, Нажмиддин Зиёд, Комил Усмонлар ҳам юрадиган бўлдик. Аста-секинлик билан Яккабоғдан Турсунбой Очилов, Мавлуда Очилова, Марям Шаропова, Чироқчидан Ғози Раҳмон, Қобил Эшмамат, Қамашидан Момохол Элмуродова ва бошқалар ҳам келиб қўшилдилар. Уюшма туман аҳли орасида, мактабларда тез-тез учрашувлар, бадиий оқшомлар, мушоиралар ўтказиб, ижодкорлик ишларимиз гуллаб бораверди. Газеталарда "Адабиёт саҳифалари" ташкил этилди, ёш ижодкорларга "Оқ йўл"лар тиланадиган бўлди.

Устоз Шарафжон Орифийдан кейин адабий муҳит сусайиб борди. Минг шукрким, истиқлолнинг порлоқ нури келажаги буюк давлатимизнинг барчабарча қишлоқ, шаҳарлари каби Шаҳрисабзга ҳам катта бахт-қувонч олиб келди. 2000 йилда туман "Нуронийлар" жамғармаси қошида "Кеш" газетаси, Шаҳрисабз телевидениеси ҳамда "Нуронийлар" жамғармаси ҳамкорлигида "Ижодкор фахрийлар" уюшмаси тузилди. Ўз низомига эга бўлган уюшмага кўзга кўринган 27 нафар ижодкор аъзо бўлди. Булар орасида шоир-у адиблардан ташқари олимлар, санъаткорлар, рассомлар ва киноҳаваскорлар ҳам жалб этилди. Ниҳоят Шаҳрисабзда адабиёт яна куртак ёза бошлади. Кўп ўтмай, 27 нафар ижодкорнинг сара асарлари жамланган "Мангулик даъвати" деб номланган бадиий тўплам босмадан чиқди.

2006 йил ҳам 13 ижодкорнинг асарлари жамланган "Шаҳрисабз қасидаси" номли тўплам чоп этилди. Бу учинчи тўплам шаҳрисабзликларга катта шуҳрат келтирди. Чунки, пойтахтдан Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов бошчилигида Шаҳрисабзга келган бир гуруҳ адабиётшунос олимлар, адибу шоирлар, нуфузли газета ва журналларнинг бош муҳаррирлари, вилоят ва туман ҳокимлари ҳамда 500 дан ортиқ аҳоли қатнашган катта йиғинда ўша машҳур тўпламнинг тақдимотини ўтказиб, ижодкорларимиз маҳсулини юксак баҳолашди.

Сўнгги йилларда Шаҳрисабзда "Олдинда яна бир тун бор", "Аёл сувратига чизгилар", "Довул", "Тақдир бекатлари", "Шаҳрисабз қасидаси", "Тунда ёққан ёмғирлар", "Айтилмаган қўшиқлар", "Гуллар ҳидин қўмсайди кўнгил", "Бир яхшилик истайман сизга", "Оқшом қўшиқлари", "Амалий психология", "Мен ишқнинг боласи", "Руҳим чечаклари" каби ўнлаб янги ва мазмунли бадиий асарлар ўқувчилар қўлига келиб тегди. Булардан ташқари маорифчилар, шифокорлар, фахрийлар ҳамда умид ғунчалари тўғрисида яратилаётган хотиралар, мажмуалар, жажжи тўпламларни ўқиб, дилинг яйрайди. Порлоқ замонга, бой маънавиятимизнинг равнақига тасаннолар айтасан, киши.

Албатта, эътибор бор жойда ўсиш, юксалиш бўлади. Мустақиллик йилларида юртимизда маънавиятга берилаётган юксак эътибор туфайли мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Шаҳрисабздан ҳам катта истеъдодлар, Ўзбекистон шаънини улуғловчи ижодкорлар етишиб чиқаверади. Бир сўз билан айтганда, Шаҳрисабз адабиёти ва маънавияти янада юксакларга кўтарилади, муҳтарам Президентимиз таърифлаганларидек: "Шаҳрисабз ўзбек диёрида ёқут кўзли бир гавҳар" бўлиб нур таратаверади.

Жаббор ҲАЛИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар ижодий уюшмаси Шаҳрисабз туманлараро бўлими раиси

1 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО КУЛГИ КУНИ

Ўй-хаёли кулдиришда,
Ҳеч тинмагай ёзу қишда.
Кулдириш ҳам савоб иш-да!
Қойил қолгай унга ҳар ким,
Айтинглар-чи, қани, у ким?

Ҳа, тўғри топдингиз, кулгиларнинг дурин терган, сўз ўйинга жуда мерган, ёмонларнинг додин берган, дунёдаги энг зўр кулгикор, машҳур қаҳқаҳа пири Хўжа Насриддин Афанди бўлади!

АФАНДИНИНГ ВАТАНИ ҚАЕР?

(Магнит тасмасида қолган суҳбат)

Билиб турибман, унинг номини эшитибоқ беихтиёр юзингизга табассум югурди. Ҳа, халқимиз орасида Афанди латифаларини эшитмаган, ўзи ҳам шу латифалардан бир нечтасини завқ билан ёдлаб, дўст-ёрларини кулдиришга чоғланмаган одам топилмаса керак.

Хўш, Хўжа Насриддин ўзи ким? Тарихий шахсми ёки бадиий тўқима?

Мен ҳам кўп йиллардан бери шу саволга жавоб излардим. Ўшанда 1996 йилнинг январи эди. «Турон» кутубхонасида китоб ўқиб ўтиргандим. Таниқли фольклоршунос олим, профессор Малик Муродов ҳам шу кутубхонада мутолаа қилиб ўтирган экан. Кўзимиз кўзимизга тушди. Бош иргаб, саломлашдик. Аммо мутолаадан чалғимадик. Бир-биримизнинг фикримизни бўлмадик.

Малик Муродовни кўпдан бери таниймиз. Жуда қувноқ, хушчақчақ одам. У билан суҳбатлашсангиз, маза қиласиз. Хуллас, тушликка бирга чиқдик.

— Ҳа, Тўланбой, «Табассум»га табассум тўплаб юрган экансиз-да? — деди кулиб.

Шундай қилиб, суҳбатимиз мавзуси ўз-ўзидан табассумга, кулгига, қувноқ қаҳқаҳага кўчди. Гапдан гап чиқиб, суҳбатимиз нишаби Хўжа Насриддин Афандига келиб тўхтади.

Назаримда, юқоридаги саволга жавоб топаётгандайман. Айни муддао. Фурсатдан фойдаланиб қолиш керак. Шошиб портфелдан диктофонни чиқардим. Рухсат сўраб, олимга яқинроқ жойга микрофонимни қўйдим. Ҳозирда менинг шахсий архивимда сақланаётган, магнит тасмасига муҳрланган ўша тарихий суҳбатдан парча келтираман:

— Малик Муродович, халқимиз орасида Хўжа Насриддин тарихий шахс, деган гап юради. Яна бир гуруҳ кишилар эса Афанди тўқима образ деб ўйлайди. Бу тахминларнинг қай бири ҳақиқатга яқин деб ўйлайсиз?

— Саволингиз ўринли. Маълумки, дунёда бир нуфузли ташкилот бор. Бутун дунё миқёсида иш олиб боради. Бу — ЮНЕСКО. Унинг бирдан-бир мақсади — одамлар онгидан уруш деган совуқ сўзни чиқариб, йўқ қилиб ташлаш ва, аксинча, инсоният онгига меҳр-оқибат, эзгулик, дўстлик, яхшилик каби тушунчаларни сингдиришдан иборат.

ЮНЕСКОнинг хайрли ишларидан яна бири — 1996 йилни Хўжа Насриддин йили деб эълон қилди. Бундан кўриниб турибдики, Хўжа Насриддин Афанди умумбашар аҳамиятига эга шахс ҳисобланади.

Мен ўтган йили Туркиянинг Оқ шаҳарида бўлдим. У ерда бундан 700 йил олдин яшаб ўтган, Хўжа Насриддин номи билан испанларга кулги улашиб келган шахснинг қабрини зиёрат қилдим.

— Демак, Хўжа Насриддин тарихий шахс экан-да?

— Шундай деса ҳам бўлади. Лекин халқ ўзининг эзгу ният, орзу-умидларини, ёмонликнинг мағлуб бўлишини, яхшиликнинг ғолиб келишини, тинчлик барқарор бўлишини Афанди тимсолида, унинг ичакузди латифалари, ҳангомалари мисолида ифодалаб келган.

Ҳамма халқнинг ўз Афандиси бор: ўзбекларда Хўжа Насриддин, тожикларда Мулла Мушфиқий, қирғизларда, қорақалпоқларда Умрбек Лаққи, қозоқларда Алдар Кўса, уйғурларда Салай Чаққон, ҳиндларда Бирбал Эронда Даҳо... Хўжа Насриддиннинг дунёдаги барча кулги дарғаларининг умумлашган образи, десак ҳам бўлади. Афанди деган ном кулги, табассум, қаҳқаҳа сингари чегара билмайди. Миллат, мазҳаб, дин танламайди. Афанди ҳамма халқларда ҳам кулгисеварларнинг қувноқ дилбанди ҳисобланади. Бинобарин, у халқ қаҳрамони даражасига кўтарилган бетакрор сиймо.

— Домла, ўзбек оғзаки ва ёзма адабиётида Хўжа Насриддин шахси қачон ва қай даражада ёритилган?

— Афанди латифаларига ўзбек халқ оғзаки ижодида кенг ўрин берилган. Қадим-қадимдан халқимиз Афанди латифаларини севиб айтиб келган, оғиздан-оғизга кўчган. XIX асрдан ўзбек ёзма адабиётида Хўжа Насриддин латифаларини китобга кўчириш ишлари бошланган. 1940 йилда кўқонлик раҳматли Шариф Ризо деган ёзувчи, олим 6 та китоб чиқарди. Ундан кейин буюк сўз санъаткорлари Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Адҳам Раҳмат, кейинчалик фольклоршунос олим Ҳошимжон Раззоқовлар эл орасидаги халқ латифаларини йиғиб, китоб ҳолида халқимизга тақдим қилдилар.

Олимларимизнинг айтишларича, бизда 2 мингга яқин латифа бор экан. Мен бу тахминга ишонмайман. Балки 2 миллиондир! Балки 5 миллиондир! Масалан, менинг шахсий архивимда бир ярим минг латифа бор. Оғиздан-оғизга ўтиб, ҳозиргача яшаб келаётган латифалар йиғилса, миллион-миллиондан ошиб кетади. Том-том китоб бўлар. Чунки халқ қайнар булоқ. Унинг ижоди тўхтамайди. Айтилиб, оғиздан-оғизга ўтиб, кўпайиб бораверади. Отадан болага суяк суриб келаверади. Буни чегаралаб бўлмайди.

— Бугунги кунда халқимиз орасида Хўжа Насриддин Афанди сиймосига қизиқиш, эътибор қай аҳволда?

— Халқимиз Хўжа Насриддинга катта қизиқиш билан қарайди. Ҳозирда Афанди латифалари тўлдирилиб, қайта-қайта нашр қилинаяпти. Афанди ҳақида бадиий асарлар, фильмлар, спектакллар яратилаяпти. Қоларверса, Бухорода, Тошкентда Хўжа Насриддинга ўрнатилган ҳайкаллар халқимизнинг донишманд, зукко, қувноқ, севимли қаҳрамонига бўлган муҳаббатидан нишонадир. Шу сабабдан ҳам Афандининг Ватани — Ўзбекистон дегим келади.

— Қизиқарли, мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

— Омон бўлинг!

Мана, фольклоршунос олим, профессор Малик Муродовнинг магнит тасмасига ёзиб олинган овозини тинглаб, қоғозга туширдим. Қалбимда бир ўкинч қолди: нега домла ҳаётликларида бу суҳбатни матбуотда ёритолмадим? Озгина лоқайдлик қилдим, шекилли. Ёки вақтим етишмаслигини баҳона қилдиммикан?

Халқимизда хайрли ишнинг кечи йўқ деган гап бор. Олим билан бўлган бу тарихий суҳбатни тинглаб, мавзуни ёритиш ҳали ҳам кеч эмаслигини англадим.

Биринчи апрель — Кулги куни баҳона бу мақолани ёзар эканман, азиз муштарий, ҳар кунингиз кулги куни бўлсин, шодлик, табассум, қаҳқаҳа сизни ҳеч қачон тарк этмасин дейман.

Қувноқ кулгингизга барака!

Тўлан ТАБАССУМ

МАЪНАВИЯТ

ТАЪЛИМ

Имконияти чекланган болалар учун

МАСОФАДАН ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Бугун юртимизда таълим технологиялари кундан-кун такомиллашиб бормоқда. Унинг бир тури ҳаётга тўла сингиб улгурмасидан янгилари пайдо бўлаётгани хусусида хабар топасиз. Соҳанинг ушбу тезкор жараёнида энг ташаббускор ва энг илғор ўқитувчиларгина замон талабларига "лаббай" деб жавоб бера олади. Халқ таълимининг ана шундай фидойилари пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 200-ўрта таълим мактабида бир нечта. Улардан бири физика-математика фани ўқитувчиси Ўктам Худоёровдир. У ўз дарсларида янги технологиянинг масофавий таълим туридан самарали фойдаланишга уринади. Яқинда ўқитувчи ўзи ишлаётган мактабда масофавий таълимни жорий этишнинг моддий-техник томонларини ўрганиб, ўзи ишлаётган мактабда уни амалда илк бор қўллади.

Ўктам Худоёров мактаб мўъмуриятининг маслаҳати ва амалий кўмаги билан имконияти чекланган болаларни ўқитишда масофавий таълимнинг қулайликларини исботлади. Кенг жамоатчилик кўз ўнгида якка тартибда уйда таълим олаётган жисмонан заиф ўспирин Мирфозилга мактабдан туриб дарс ўтилди. Дадил жавоб беришга уринаётган ўқувчи саҳнадаги катта монитор орқали кўрсатиб турилди. Ўқитувчи фарзандининг илм олаётганидан хурсанд она билан гаплашганида, залда ўтирганлар қарсак чалиб юбордилар.

— Мактабимиз жойлашган ҳудудда имкониятлари чекланган 28 нафар бола бор, — дейди шу мавзуда илмий изланишлар олиб бораётган ёш муаллима Айсафар Жабборова. — Улар билиб-билмай содир этган ножўя хатти-ҳаракатлари ёки автоҳалокат, наслий ногиронлик туфайли тенгқурлари қаторида ўқиб-ўрганишдан маҳрум. Лекин бу болаларнинг ақлий ривожланишлари яхши. Яқинда ана шундай болаларнинг биридан: "Келажакда ким бўласан?" — деб сўрасам, менга қатъий қараб: "Спортчи бўламан", — дейди. Бундай болалар масофавий таълим орқали турли тадбирларда, фан олимпиадаларида иштирок этиш имкониятига эга бўладилар.

Масофадан ўқитиш дарсида мактаб ўқувчиларини меҳрибонлик уйларидаги ўқув хоналари билан боғлаш ёки шунга ўхшаш бошқа даргоҳларнинг таълим-тарбия жараёнлари билан уланиш имкониятлари ҳам мавжудлиги намойиш этилди. Пойтахтнинг турли мактабларидан йиғилган ўқитувчилар тадбирни мамнуният ва қизиқиш билан кузатдилар, ўз фикрларини билдирдилар.

— Бугун шаҳримиз мактабларининг аксариятида имконияти чекланган болаларга якка тартибда уйда таълим бериш ишлари йўлга қўйилган, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси раҳбари Наргиза Раҳмонқулова. — Бу борада масофавий таълимнинг афзалликлари кўп, албатта. Уни мактабларда кенг йўлга қўйиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Мутахассисларни шаҳар малака ошириш институтида ўқитиш масалаларини ҳал этиш йўллари изланмоқда. Масофадан ўқитишда зарур техника воситаларига эга бўлишнинг моддий имкониятлари чекланганига қарамай, айрим мактабларнинг уддабурон, ишбилармон раҳбарлари бунинг чорасини топмоқдалар. Шаҳримизда маориф соҳасининг таянч ўқув даргоҳи ҳисобланган Чилонзор туманидаги 200-ўрта таълим мактабида ўтган семинар шундан далолат беради.

Мамлакат НОРМУРОДОВА, "Hurriyat" мухбири.

Тарихда ўчмас из қолдирган атоқли шахсларнинг мероси кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Буни буюк давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Бобокалонимиз ҳақида гап кетганда, аксарият, ул зотни умри жанг-жадалларда ўтган, от устида ухлаб, от устида уйғонган саркарда сифатида тасаввур қилишади. Соҳибқирон нафақат ҳарбий саркарда, балки диний ва дунёвий илмларнинг зукко билимдони, илм-фан ва санъат ҳомийси, шу билан бирга кўрган-кечирганларини тафаккур элагидан ўтказиб, теран хулосалар чиқарган мутафаккир ҳам бўлганлар.

9 АПРЕЛЬ — СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТУҒИЛГАН КУН

БУЮК "ТУЗУК"

Ҳазратнинг ўз таржимаи ҳолларини қоғозга туширириб, тартиб берганлари ёки турли муносабатлар билан ёзилган хатлар ўз назарларида бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Бугунги кунда ҳам қўлдан қўйилмай ўқилаётган, ўз даврида дунё ҳукмдорларининг кутубхоналарини безаб турган "Темур тузуклари" эса фикримизнинг ёрқин далилидир.

"Тузуклар"да шундай қайдга дуч келамиз: "Бу мактуб мазмунини менинг воқеаларим тўпланган тарих дафтарига ёзишларини буюрдим". Дарҳақиқат, салтанатда девони хос ва девони кабир мирзолари ҳар қандай катта-кичик ўзгаришларни махсус солномаларга қайд қилиб борганлар.

Албатта, ҳазратнинг ўзлари назардан ўтказган китобнинг бизгача етиб келиши алоҳида тадқиқот мавзуси. Шуни ишонч билан айтиш керакки, "Темур тузуклари" ("Тузуки Темурий"), "Темурнинг айтганлари" ("Малфузоти Темурий"), "Темур хотиралари"("Воқеоти Темурий") сингари номлар билан юритилган бу асар дастлаб туркий тилда яратилган ва сўнгра форс ҳамда бошқа тилларга таржима қилинган. Унинг руҳи, унда воқеаларнинг акс этиши "Тузуклар" шу ҳаёт ичида яшаган, унинг барча изтиробларини ўз қалбидан ўтказган одамнинг оригинал асари эканлигини тасдиқлайди.

Шуни очиқ эътироф этиш жоизки, "Тузуклар" шунчаки саёҳатнома эмас, унга оламшумул шуҳрат олиб келган фазилат бошқа ёқда. Агар унинг пайдо бўлиш даврини кўз олдимизга келтирсак, катта тарих саҳнасида одамзот илк ибтидоий тартибларни такомилига етказиб, янги босқич (буни бадавийликдан маданийликка ёки қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришдан механизмларга ўтишга тайёрланиш)га кўтарилган пайт эди. Энди ҳарбий соҳада ҳам, давлат бошқарувида ҳам тартиблар эскираётган эди, яъни тараққиёт қуролли оломоннинг бетартиб сўқишиши ёки одамни тириклай терисини шилиб қўрқитиш сингари усулларни рад этган эди. Энди инсониятга янги мафкура, янги тизим керак эди. "Тузуклар" ана шундай эҳтиёжга лаббай деб, ҳозиржаволик билан яратилган дастурлардан бирига ўхшайди.

Ҳазрат Соҳибқирон мамлакатни идора қилишда ўз қарашларини тиқиштириш мақсадларида бу асарни яратмадилар, балки ул зот кўтарилган юксаклик шунга изн берди. Шубҳасиз, бошқа бир тадқиқотчи дунё кутубхоналаридаги бор китобларни мутолаа қилиб, уларнинг мағзини чаққанида ҳам бундай ҳаётий қўлланмани ярата олмаган бўларди. "Тузуклар"га улуғворлик мавқеини, абадийлик тожини кейинги авлодлар, унинг қоидаларини ўз фаолиятларида қўллаб, эътироф этганларидан кейин, нисор этдилар. Келажакнинг қуллуғи эса улкан салтанат яратган, янги цивилизациянинг пойдеворини қўйган мислсиз зотнинг чақмоқдек ақли билан шу хизматни эртанги кун учун зарурлигини ҳис этганида ва тафаккурда айланиб юрган пурҳикмат сўзларни қоғозга тушириб, моддийлаштира олганида, уларга боқийлик мақомини ато этганидадир. "Тузуклар" бобокалонимиз қолдирган мероснинг олтин тарозисида жуда катта салмоқни ташкил этади.

Энди "Тузуклар"нинг қанчалик беназирлигини тўлиқроқ тасаввур этиш учун уни шу руҳдаги баъзи асарлар билан таққослаб, таҳлил қилайлик.

Мазкур асарнинг "Вазир тутиш тузуги" бўлимида Соҳибқирон Маликшоҳ Салжуқий (ҳукмронлиги — 1072-1092 йиллар) саройида вазирлик қилган Низомулмулкни ният қилиб яратилган бебаҳо асарлар, уларнинг такрорланмас ўринлари, мавқелари мавжуд. Бири узоқ йиллар бир соҳада самарали фаолият кўрсатган давлат арбобининг шахсий кузатишлари маҳсули, ҳаётий тавсиялари бўлса, иккинчиси олимнинг фикрини амалиётда қўллаб, тажрибадан ўтказган буюк давлат арбобининг чиқарган хулосалари, фойдалари, тафаккурининг дурдоналаридир. Бу асарларни теран қиёсий ўрганиш уч юз-тўрт юз йил давомида давлат бошқаруви ҳақидаги қарашлар, умуман, тафаккур қанчалик ва қандай тенденциялар асосида ўсганини тасаввур қилишга кўмаклашган бўларди.

Шубҳасиз, бундай ўрганишлар Ғарб дунёқараши мисолида олиб борилса ҳам янада комиллик касб этади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий ҳаёт кескин ислоҳотларни талаб қилиб турган палладa, орадан бир неча ўн йиллар ўтиб, Европада ҳам тафаккур уйғониши кўзга ташлана бошлади. Бу ҳолни Италия маънавий муҳитида юзага келган кўтарилиш, адабиёт, санъат, меъморчиликдаги уйғониш нафаси фалсафада, давлатшуносликда яққол намоён бўлганида кузатиш мумкин. Шу йилларда Никколо ди Бернардо Маккиавеллининг "Ҳукмдор" (1513) асари дунёга келди.

Шоир, ёзувчи сифатида танилган Маккиавелли (1469-1527) узоқ йиллар Флоренция республикаси девонхонасида давлат котиби (1497-1512) бўлиб ишлади. У зиддиятли қарашлари билан жамиятдаги турли табақаларда турлича таассурот қолдирди. Мамлакат келажагини республика бошқарувида, деб билгани ҳолда абсолют монархияни тарғиб қилди. Бугун ҳам тилдан тушмай келаётган "Мақсад воситани оқлайди" ёки "Қаерда тинчликни хоҳласалар, ўша ерда урушга тайёргарлик кўриш лозим" сингари шиорлар унга тегишли бўлиб, унинг асарлари ўша даврда ҳам, ундан кейин ҳам қўлма-қўл ўқилган, мутафаккир сифатида катта шуҳрат қозонган. Албатта, шоҳ асари "Ҳукмдор" туфайли "Уйғониш даврининг давлатни бошқариш фалсафасини ишлаб чиққан биринчи мутафаккир" сифатида эътироф этилди, унга "Тафаккур ва маданиятнинг яратувчилик анъаналарини бирлаштирди" қабилида юксак баҳолар берилди, бироқ у илгари сурган ғоялар билан "Тузуклар"да улуғланган қарашлар ўртасида кескин фарқлар мавжуд.

Маккиавелли ҳукмдор-шахс билан ҳукмдор-ҳукмдорни бошқа-бошқа тасаввур этади. Масалан, у "сахий ҳукмдор номини қозониш албатта яхши деб таъкидлайман. Бироқ билиб қўйиш лозимки, шундай номни қозониш учун сахийлик қилиш зарардир" деб ёзади. Бу гапнинг тагида нима маъно яширинганини тушуниш учун олимнинг зиддиятларга тўла қарашлар фалсафасини тўла ўрганишга тўғри келар балки. Коса тагидаги ним косани эса унинг яна ҳам йирикроқ маънисидан тушуниб олса бўлади: "Ҳукмдор яхши хислатларнинг эгаси бўлиши шарт эмас, бироқ шу учинчиси — сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалада бўлиш; тўртинчиси — сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик".

Албатта, "Сиёсатнома" ҳам, "Тузуклар" ҳам тафаккурнинг нодир маҳсуллари, одамзотни, жамиятни камолотга етказишни ният қилиб яратилган бебаҳо асарлар, уларнинг такрорланмас ўринлари, мавқелари мавжуд. Бири узоқ йиллар бир соҳада самарали фаолият кўрсатган давлат арбобининг шахсий кузатишлари маҳсули, ҳаётий тавсиялари бўлса, иккинчиси олимнинг фикрини амалиётда қўллаб, тажрибадан ўтказган буюк давлат арбобининг чиқарган хулосалари, фойдалари, тафаккурининг дурдоналаридир. Бу асарларни теран қиёсий ўрганиш уч юз-тўрт юз йил давомида давлат бошқаруви ҳақидаги қарашлар, умуман, тафаккур қанчалик ва қандай тенденциялар асосида ўсганини тасаввур қилишга кўмаклашган бўларди.

Шубҳасиз, бундай ўрганишлар Ғарб дунёқараши мисолида олиб борилса ҳам янада комиллик касб этади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий ҳаёт кескин ислоҳотларни талаб қилиб турган палладa, орадан бир неча ўн йиллар ўтиб, Европада ҳам тафаккур уйғониши кўзга ташлана бошлади. Бу ҳолни Италия маънавий муҳитида юзага келган кўтарилиш, адабиёт, санъат, меъморчиликдаги уйғониш нафаси фалсафада, давлатшуносликда яққол намоён бўлганида кузатиш мумкин. Шу йилларда Никколо ди Бернардо Маккиавеллининг "Ҳукмдор" (1513) асари дунёга келди.

Шоир, ёзувчи сифатида танилган Маккиавелли (1469-1527) узоқ йиллар Флоренция республикаси девонхонасида давлат котиби (1497-1512) бўлиб ишлади. У зиддиятли қарашлари билан жамиятдаги турли табақаларда турлича таассурот қолдирди. Мамлакат келажагини республика бошқарувида, деб билгани ҳолда абсолют монархияни тарғиб қилди. Бугун ҳам тилдан тушмай келаётган "Мақсад воситани оқлайди" ёки "Қаерда тинчликни хоҳласалар, ўша ерда урушга тайёргарлик кўриш лозим" сингари шиорлар унга тегишли бўлиб, унинг асарлари ўша даврда ҳам, ундан кейин ҳам қўлма-қўл ўқилган, мутафаккир сифатида катта шуҳрат қозонган. Албатта, шоҳ асари "Ҳукмдор" туфайли "Уйғониш даврининг давлатни бошқариш фалсафасини ишлаб чиққан биринчи мутафаккир" сифатида эътироф этилди, унга "Тафаккур ва маданиятнинг яратувчилик анъаналарини бирлаштирди" қабилида юксак баҳолар берилди, бироқ у илгари сурган ғоялар билан "Тузуклар"да улуғланган қарашлар ўртасида кескин фарқлар мавжуд.

Маккиавелли ҳукмдор-шахс билан ҳукмдор-ҳукмдорни бошқа-бошқа тасаввур этади. Масалан, у "сахий ҳукмдор номини қозониш албатта яхши деб таъкидлайман. Бироқ билиб қўйиш лозимки, шундай номни қозониш учун сахийлик қилиш зарардир" деб ёзади. Бу гапнинг тагида нима маъно яширинганини тушуниш учун олимнинг зиддиятларга тўла қарашлар фалсафасини тўла ўрганишга тўғри келар балки. Коса тагидаги ним косани эса унинг яна ҳам йирикроқ маънисидан тушуниб олса бўлади: "Ҳукмдор яхши хислатларнинг эгаси бўлиши шарт эмас, бироқ шу хислатларнинг эгасидек овоза тарқатиши шарт. Яна бир қўшимча қилишга журъат этай: яхши хислатлар эгаси бўлиш ва ҳамиша уларга эътиқод қилиш — зарарли; лекин яхши хислатларга эгадек ном чиқариш ва унга амал қилмаслик — кони фойда".

Албатта, Ғарбона муҳитда шаклланган, маслаги ҳам бутунлай фарқланувчи олимнинг қарашларини бутун моҳияти билан ҳис қилиш қийиндиир, бироқ муаззам Шарқ фарзанди, олам ва одам тилсимотини ҳақ сўз билан баён этган, лафзни, субутни биринчи рақамли фазилат билган кишилар бу фикрлар билан муроса қила олмасликлари турган гап. Азалдан бизнинг аждодларимизда сиёсатда эмас, ҳатто ёш болага муносабатда ҳам қаллоблик қилмаслик урф бўлган. Шуниси борки, Маккиавеллининг қарашлари ўз вақтида танқидга учраган, маккиавеллизм олдига ҳеч қандай мақсадни қўймайдиган бетайин фалсафа сифатида баҳоланган эди. Шуниси ажабланарлики, ҳозирги бошқарув тизимида бундай ёндашув тарафдорлари мавжуд.

Бу фикрлардан бир асрдан ҳам ортиқроқ вақт олдин баён қилинган ва неча авлодлар шу ақидалар билан яшаган қарашларни кўз олдимизга келтирсак, аждодларимиз қанчалик олижаноб ғояларни байроқ қилганларини, улар инсонни ва инсонийликни нақадар юксак улуғлаганларини тасаввур қиламиз. Негаки, бугун эзгуликка ташна, жароҳатлардан титилиб кетган дунё шу эътиқодларга қайтаяпти.

"Тузуклар"да ҳукмдор — Соҳибқирон Амир Темур салтанатни ўз қўлида сақлаш учун амал қилган қоидалар шундай баён қилинган (қисқача): ўз сўзига эга бўлиш; адолатпешалик; буйруқ ва фармон беришда эркин бўлиш; қарорида қатъий туриш; ҳукми жорий этилиши даркор; эркини бериб қўймаслик; ҳар кимнинг сўзини эшитиш; шошмай, мулоҳаза билан иш тутиш; ҳайбатидан ҳамма ҳайиқсин; сўзида қатъий турсин(!); салтанатда ўрни ягона; мажлис аҳлидан огоҳ бўлсин.

Бу талаблар фақат Соҳибқироннинг ўзигагина хос қоидалар бўлмаган, балки ҳудудларда ҳукмронликка тайинланган фарзандлари ва бошқа аҳли ҳашамлар учун ҳам дастуриламал ҳисобланган. Демак, бу салтанатда марказнинг тоталитар сиёсати эмас, бильакс, қўйида эркин фикр ва амалга асосланган бошқарув тизими қарор топганини тасдиқлайди. Бундай муҳит эса етакчи шахс беш йил, ҳатто етти йиллаб сафар ҳолатида юрганида ҳам пойтахтда ёки давлатнинг бошқа ҳудудларида сиёсий бўҳронлар, силкинишлар зоҳир бўлмаганини таъминлаган. Шунингдек, бу бошқарувнинг синовларга бардошлилиги туфайли юз йил давомида Хуросон ва Мовароуннаҳрда мутлақ тинчлик ҳукмрон бўлди. Юз йил қисқа давр эмас, бу фурсатда авлодлар уч-тўрт марта янгиланади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг инсоният тарихидаги ўрни ҳар доим юксак бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Эҳтимол, "Тузуклар"ни қайта-қайта ўқиш ва таҳлил қилиш, уни бошқа манбаларга қиёсан ўрганиш бу мўъжизани тўлиқроқ англашга ёрдам беради.

Ҳаким САТТОРИЙ

ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАРИМИЗНИ АСРАЙЛИК!

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларини асраш, экологик барқарорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ тартиб-қоидалар аниқ белгилаб берилди. Ўтган йиллар мобайнида мазкур қонун асосида кўплаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, миллий ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилди. 1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳит муҳофазасига оид дастури, айниқса, бу борада муҳим дастуриламал бўлди.

Айтиш жоизки, экологик барқарорликни таъминлашда халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги кўплаб халқаро конвенция ва битимларга қўшилган мамлакатимизда глобал аҳамиятга молик экологик муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган бир қанча халқаро лойиҳалар бўйича жадал иш олиб борилаяпти.

Сайёрамиздаги ҳаётнинг хилма-хиллиги биологик турлар ва уларнинг тарқалиш ҳудудларининг турли-туманлигига боғлиқдир. Биологик хилма-хиллик асосан аҳоли сонининг ўсиши, миграция ва иқтисодий ўсиш каби омиллар туфайли жуда тез йўқолиб кетмоқда. Ҳолбуки, йўқ бўлиб кетган жонзотларни қайтариш одамзотнинг қўлидан келмайди. Табиатда ҳамма нарса ўзаро чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, экологик барқарорликнинг бузилиши ҳар биримизга тааллуқли бўлган муаммодир.

Қушлар ҳам табиатнинг бир бўлаги бўлиб, азал-азалдан инсоннинг дўсти саналади. Сайроқи қушлар ширали хонишлари билан инсонларга яхши кайфият улашган бўлса, йиртқичлар атроф-муҳит санитарлари вазифасини бажарган. Қушларнинг табиатдаги ўрни беқиёс. Улар асосан чигиртка, қўнғиз сингари ҳашаротлар ҳамда майда кемирувчилар билан озиқланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини муҳофаза қилиш билан бир қаторда атроф-муҳитни ҳам тозалайди.

1600 йилдан бугунги кунгача турли сабабларга кўра ер юзидаги қушларнинг 109 тури (улкан Европа калхати, улкан учмас оққуш, улкан лайлак, тераторн, моа ва бошқалар) бутунлай йўқолиб кетган. Экологиянинг ёмонлашуви, табиий муҳитнинг ўзгариши ва глобал исиш қушларга салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг турлари ва сонининг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда қушларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада бир қатор эътиборли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирда дунёда 15000 га яқин муҳим орнитологик ҳудуд мавжуд. Ўзбекистонда муҳим орнитологик ҳудудлар (МОҲ) лойиҳаси дастури илк маротаба 2005 йилнинг баҳорида BirdLife International қушларни ҳимоя қилиш бутунжаҳон ассоциацияси қўллаб-қувватлаши асосида амалга оширилган. 2006 йилда юртимиздаги профессионал орнитологлар ва қуш ишқибозларини бирлаштириш, орнитология фанини ва табиатни асрашга бўлган дунёқарашни жонлантириш ҳамда ривожлантириш мақсадида Ўзбекистонда ҳам Қушларни ҳимоя қилиш жамиятини ташкил этишга киришилди.

2007 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги янги нодавлат нотижорат ташкилот сифатида Ўзбекистон Қушларни ҳимоя қилиш жамиятини рўйхатга олди.

Ҳар йили 1 апрель — Бутунжаҳон қушлар куни сифатида ЮНЕСКОнинг "Инсон ва биосфера" лойиҳаси доирасида нишонланади. Унинг айнан шу куни ўтказилишига сабаб 1906 йил 1 апрелда Бутунжаҳон қушларни ҳимоя қилиш конвенцияси қабул қилинган.

— Кўпгина давлатларда қушлар кунини кенг жамоатчилик билан нишонлаш анъана тусини олган, — дейди Ўзбекистон Миллий университети Биология-тупроқшунослик факультетининг Зоология кафедраси ўқитувчиси Алишер Атахўжаев. — Шу куни орнитологлар ва қуш ишқибозлари қушларнинг тарқалиши ва сонини билиш мақсадида қушлар саноғини ўтказадилар ва ўзларини қизиқтирган ишлар — қушларни кузатиш билан шуғулланадилар. Бу тадбирни кўпчилик ёрдамида нишонлашнинг яна бир фойдали тарафи — бу кўпчилик учун табиатимизни муҳофаза қилиш ва қушларни ўрганишга қўйилган биринчи қадам ҳисобланади. Шу кунлари суньий уялар ясаб дарахтларга илиб қўйилади, тарғибот ишлари олиб борилади, экологик байрамлар уюштирилади ва баҳорги учиб ўтишни кузатишда иштирок этилади. Бундай акциялар қушлар ҳақида ғамхўрлигимизга мисолдир. Республикамизда шунга ўхшаш тадбирларда иштирок этаётган ёшлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Бундай тадбирлар табиатимиз биологик хилма-хиллигини сақлашга қаратилган акциялардан бири ҳисобланиб, аниқ режалаштирилган ҳолда экологик саналарга бағишлаб ўтказилади.

Ўзбекистон Қушларни ҳимоя қилиш жамиятининг 2009 йил март ойида бўлиб ўтган йиғилишида жиблажибон "Йил қуши — 2009 ва 2010" деб танланди. Бу қуш ушбу жамият эмблемасида ҳам акс эттирилган.

Ўзбекистон Қушларни ҳимоя қилиш жамияти томонидан жиблажибоннинг республикамизда тарқалган турлари бўйича унинг биологик хусусиятлари, тарқалиши ва ўзига хос жиҳатлари хусусида информацион брошюра ва аудиопрезентациялар тайёрлаб қўйилган. Жиблажибонларни кузатиш бўйича энг яхши ишлар ҳамда анъанавий расмлар ва буюмлар танлови эълон қилинган. Фаол иштирокчилар жамият томонидан таъсис этилган махсус мукофотлар билан тақдирланади.

Ўзбекистонда жиблажибоннинг 9 тури мавжуд. Бу қушлар республикамизнинг ҳамма ландшафтида — чўлда ҳам, тоғли ҳудудларда ҳам учрайди. Жиблажибонлар, айниқса, сув ҳавзалари атрофлари ва нам ҳудудларни хуш кўради. Ўзбекистонда жиблажибонни йил давомида учратиш мумкин. Мавсумга қараб, уларнинг турлари ва сони ўзгариши мумкин. Жиблажибон ўзига хос фойдали қуш ва у, албатта, бизнинг эътиборимиз ва ҳимоямизга муҳтож.

Лобар РАҲИМЖОНОВА тайёрлади.

МАДАНИЯТ

СУҲБАТ

Аския — халқ санъати

Кулги-мутойибага шинавандалик қон-қонига сингиб кетган элмиз. Шунданми, одамларни юракдан кулдира олган қизиқчиларни халқимиз алоҳида ҳурмат билан тилга олади. Айниқса, аския узоқ тарихга эга бўлган ҳажв санъатидир. Бу борада юртимизда ўзига хос тарихий мактаблар шаклланган. Саҳифамиз меҳмони — Марғилон аския мактабининг фидойи вакилларидан бири Ҳотамжон Ҳакимжонов.



— Келинг, гап аввалида сизнинг тахаллусингиз ҳақида тўхталсак. Билишимизча, элга "Ҳотам дўндиқ" номи билан танилгансиз.

— Тўғри. Мен Охунжон қизиқнинг жияни Ҳалилжон ака аскиячининг ўғли Ҳотам дўндиқман. Ёшлигимдан давраларга чиққанимда ўзимни худди шундай таништирардим. Фикримча, ҳам самимий, ҳам кулгили тахаллус тезда одамларнинг ёдида қолади.

— Аскиячилик қадимқадимдан халқимизнинг меҳрига сазовор бўлган. Бу ҳақда гап кетаркан, Юсуфжон қизиқ, Муҳиддин Дарвешев, Йўлдошхон қизиқ, Ғанижон Тошматов ва бошқа кўплаб устоз санъаткорларнинг номи беихтиёр хаёлимизга келади. Сизнингча, уларнинг бугунги авлодлари аскиячилик санъатининг ривожига қай даражада ҳисса қўшишмоқда?

— Чиндан ҳам, фахрланса арзийдиган санъатимиз бор. Зотан, аския санъати дунёдаги бошқа бирор халқда йўқ. У элимизнинг улуғ қадриятларидан бири сифатида ғурурланишга лойиқдир.

Авваллари аскиячилар кичик-кичик йиғинларда, маросимлару тўйларда чиқишлар қилишган, холос. Истиқлолга эришганимиздан сўнг Юртбошимизнинг ташаббуслари билан халқимиз суйган бу санъат катта саҳналарга олиб чиқилди. Ҳар гал тантанали шодиёналарда аскиячиларга алоҳида вақт ажратилади. Қолаверса, ОАВ орқали чиқишлар қилишимиз, кўрсатувлар тайёрлашимиз учун ҳам барча имкониятлар мавжуд. Минг шукрки, аскиячиликнинг тўла ривожланиши, янада сайқал топиши учун шароитлар яратилган. Ёш истеъдодли аскиячилар авлоди шаклланиб келмоқда.

Шу ўринда бир гапни таъкидлашни истардим. Аскияни бошқа санъат турлари каби бировга ўргатиб, ўқитиб бўлмайди. Шогирд тарбиялаганда, унга бир марта пайров ёзиб бериб, ёдлатиб, даврага олиб чиқишингиз мумкин. Аммо унинг ўзида худо берган иқтидор бўлмаса, айтишув пайтида ўзини йўқотиб қўйиши, жавоб тополмай қолиши тайин. Шунинг учун ҳам аскиячидан сўзамоллик, нуктадонлик, ҳар бир сўзни қалбан ҳис қилиб, унинг таг маъноларини яхши англаб гапириш талаб этилади.

— Ҳотамжон ака, эл суйган улуғ аскиячиларнинг пайровлари ёзилган ленталарни ўз архивингизда сақлаётган экансиз. Буларни авлодлардан авлодларга бекаму кўст етказишни ният қилдингизми?

— Юқорида айтганимиздек, аския биз ҳар қанча фахрлансак арзийдиган миллий санъатимиз ҳисобланади. Хабарингиз бўлса керак, вилоятимизда "Рухсор" телевидениеси фаолият юритмоқда. Ушбу телеканалда "Устозлар бисотидан" номли кўрсатув тайёрлаб, томошабинлар эътиборига ҳавола этиб бормоқдамиз. Унда ўз архивимдаги устоз аскиячилар — Ижрохон бува, Махсум ака Қозоқов, Жўрахон Султонов, Юсуфжон қизиқ, Охунжон қизиқ, Ғанижон Тошматов ва бошқаларнинг ижодидан намуналар бериб борамиз. Мақсадимиз эса бугунги ёш авлодни аскиячилик тарихи билан таништириб боришдир.

— Санъаткорнинг халқ дилидан муқим жой эгаллай олишида унинг саҳна маданиятига тўлиқ риоя қилиши ва одобининг ҳам алоҳида ўрни бор. Баъзан қизиқчиларимизнинг бачкана(минг бор узр) сўзлар орқали халқни кулдиришга уриниши ўзларининг обрўсига путур етказади. Қизиқчини тинглаётганлар маза қилиб кулиш баробарида унинг сўзларидан эстетик завқ, маънавий озуқа ололсагина, уни чинакам истеъдод соҳиби, дейиш мумкин, назаримда. Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?

— Биласизми, аскиячи саҳнага тайёргарлик кўрмасдан чиқишга мажбур. Шу маънодаки, пайровни ёзиб олиб, ёдлаб, саҳнага чиқиб бўлмайди. Коса тагида нимкосали гаплар, қочиримли сўзлар вазият тақозоси билан туғилаверади. Аммо бу билан тайёргарлик кўрмасдан саҳнага чиқавериш мумкин экан-да, деган фикр пайдо бўлмаслиги керак. Чунки, албатта, аскиячилар даврадагиларнинг ёши, жинси, соҳасига қараб, уларга мос мавзу танлай билиши ва уларнинг қизиқишини олдиндан ўрганиши лозим. Мисол учун, деҳқончилик пайрови бўладиган бўлса, унга доир барча маълумотларни ўрганиш, деҳқонлар билан суҳбатда бўлиб, соҳанинг икир-чикиригача билиб олиш фойда беради. Ўзбек халқ мақоллари пайров қилинганда эса, китоб титкилаш, мақолларни ўқиб, ёдлашга тўғри келади. Чунки саҳнада вазиятга қараб ўша ёдланган мақоллардан лозимини айта билиш керак. Бошқа мавзуларга ҳам худди шундай тайёргарлик кўрилади. Мустаҳкам билимли ва маҳоратли аскиячи бачканаликка берилмайди.

— Чиндан ҳам аския — халқ санъати. Аммо, асосан, эркаклар даврасида аския айтилади. Аслида хотин-қизлар ҳам кулгу шайдоси. Балки улар учун ҳам алоҳида пайровлар яратиш керакдир.

— Баъзи маросимларда хотин-қизлар ҳам борлигини ҳисобга олган ҳолда одоб доирасида ҳангомалашсак, даврадаги йигитлар: "Аёллар ҳам ўзимиздан, гапираверинглар", — деб қўйишади. Йўқ, даврада 50 нафар эркак ва 5 нафар аёл бўлса ҳам, аввало, шуни ҳисобга олган ҳолда пайров қилишимиз керак. Улоқ, кураш каби миллий спорт турларимиз ўтказилаётган давраларда эса фақат эркаклар иштирок этаётгани учун ларбоп гапларни айтавериш мумкин, деб ўйлайман. Умуман олганда, аскиячилар ҳамиша даврани ҳисобга олган ҳолда иш юритишади. Мисол учун бизни 70 нафар киши тинглаётган бўлса-ю, шундан 7 нафари гапларимиз маъқул тушмагани учун ўрнидан туриб, чиқиб кетса, бу — аскиячи учун катта йўқотиш. Шунинг учун ҳам етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барчанинг хоҳишини инобатга олишимиз лозим.

— 1 апрель — Халқаро кулги куни сифатида нишонланади. Шу муносабат билан муштарийларимизга теша тегмаган ҳангомаларингиздан бирини айтиб берсангиз.

— Майли, бажонидил.

Юртимиздаги тоғли ҳудудлардан бирида фермер отахон яшар экан. У киши юз ёшдан ошган бўлсалар ҳам адирларнинг энг баланд жойига мол-қўйларини ҳайдаб чиқиб, уларни боқиб юрарканлар. Бу ҳақда "Hurriyat" газетасининг бир мухбири эшитиб қолиб, ўша бувани излаб топибди-да, улар билан суҳбат қила бошлабди.

— Бува, мана юз ёшга кирибсиз. Қийналмаяпсизми? Шу ишни фарзандларингиз қилишса бўлмайдими? — деб сўрабди мухбир.

— Йўғ-е, болам. Бир кун шу адирларга чиқиб, молқўй боқиб юрмасам касал бўлиб қоламан. Фарзандларим ҳам фермер. Уларнинг ҳам ўз чорваси бор. Қолаверса, қўлимдаги мана бу таёқ ота-боболаримиздан мерос бўлиб келяпти. Ҳалибери уни фарзандларимга бериш ниятим йўқ, — дебди бува.

— Бувимиз билан ҳам бир суҳбатлашсак бўларди. Уларни ҳам чақирсангиз... — дебди мухбир.

Бува эса шаҳд билан ўрнидан турибди-да, милтиқни кўтариб ташқарига чиқа бошлабди. Мухбир қўрқа-писа бувани тўхтатиб, нима қилмоқчилигини сўраган экан, шундай дебди:

— Энди, болам, бувинг ҳам 90 га кириб қолди. Қулоғи сал оғирроқ. Ўзинг "Уларни чақиринг", — дединг-ку. Ҳозир милтиқдан ўқ отсам, бувинг ўқ овозини эшитиб, ўқдек учиб келади.

Мухбирнинг кўнгли жойига тушиб, "Яхши, яхши", — деган экан, бува:

— Яхшиликка яхшику-я, лекин ёзда ов мавсуми бошланганда чатоқ бўлади-да. Овчилар қайси томондан ўқ узишса, кампирим ҳам ўша ёққа қараб жўнаб қолаверади, — дебди.

Ситора ТОЖИДДИНОВА суҳбатлашди.

СПОРТ

КУБОК МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасининг 1/16 финал босқичи учрашувлари бўлиб ўтди. Унда биринчи лига жамоалари ўз майдонларида олий лига вакилларига қарши майдонга тушди. Мамлакат кубогининг амалдаги соҳиби — Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси Термизда "Динамо-ҳамкор" жамоаси меҳмони бўлди. Учрашувда пойтахтлик чарм тўп усталари 4:0 ҳисобида зафар қучди. Пахтакорчиларнинг ёш ҳужумчиси Алишер Азизов рақиб дарвозасини икки маротаба аниқ нишонга олган бўлса, Станислав Андреев ва Милорад Януш биттадан тўп киритди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Локомотив-БФК" — "Хоразм" 1:0, «Шайхонтоҳур» (Тошкент) — «Навбаҳор» (Наманган) 0:4, «Шўрчи-Лочин» (Шўрчи) — «Динамо» (Самарқанд) 0:1, «Сўғдиёна» (Жиззах) — «Металлург» (Бекобод) 0:1, «Жайхун» (Нукус) — «Қизилқум» (Зарафшон) 0:2, «Раш-Милк» (Шаҳрихон) — «Шўртан» (Ғузор) 0:3, «Машъал-Академия» (Муборак) — «Машъал» (Муборак) 0:3, «NBU-Осиё» (Тошкент) — «Нефтчи» (Фарғона) 0:1, «Бунёдкор-2» (Чирчиқ) — «Олмалиқ» (Олмалиқ) 1:2, «Спартак» (Тошкент) — «Андижон» (Андижон) 1:2.

ВЛАДИМИР КЛИЧКОГА ТАҲДИД

Ўта оғир вазнда WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Дэвид Хэй IBF, IBO, WBO йўналишларида чемпион ҳисобланган украиналик боксчи Владимир Кличконинг ҳам заиф томонлари борлигини айтди.

— Владимир Кличкода жангни муддатидан аввал тугатиш учун важоҳат етарли эмас, — дейди Дэвид Хэй журналистларга берган интервьюсида. — Чунки у зарбаларни ўтказиб юборишдан қўркади. Уни фақат мен рингдан улоқтириб юборишим мумкин.

ДИСКВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ



Халқаро оғир атлетика федерацияси (IWF) тақиқланган моддалар истеъмол қилгани учун Россия терма жамоасининг икки вакили — Василий Половников ва Ирина Сибетоваларни тўрт йилга дисквалификация қилди.

Василий Половников 94 кг. вазнда ёшлар ўртасида Европа чемпиони, 2006 йилдан бери жаҳоннинг вице-чемпиони ҳисобланади. У Россия терма жамоаси сафига 2009 йилда қабул қилинган эди. Ушбу спортчидан ўтган йилги жаҳон чемпионати бошланишидан бир неча кун аввал, яъни 31 октябрь куни допинг тести олинган ва мусобақадан четлаштирилганди. Унинг тўрт йиллик дисквалификация муддати 2013 йилнинг 30 октябрида тугайди.

Ирина Сибетова 2007-2008 йилларда Россия кубогини қўлга киритган спортчи ҳисобланади. Ундан допинг-текширув ўтган йили ўтказилган ёшлар ўртасида Европа биринчилиги вақтида олинганди. Ушанда Ирина Сибетова 185 кг. тошни кўтариб олтин медални қўлга киритганди. Халқаро оғир атлетика федерацияси ундан бу унвонни олиб қўйди. Ирина Сибетованинг дисквалификация муддати 2013 йилнинг 30 июлида тугайди.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма бошқаруви аъзоси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Фирдавс Абдуҳолиқовга падари бузруквори **ФАРИДУН ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ҲАЗИЛ

ХОТИНИМНИНГ АЛДОВИ

Оиламизда ҳазил-мутойиба куни — 1 апрель ўзгача нишонланади. Бир-биримизни болаларча алдаймиз, кўнглимизни кўтарамиз. Айниқса, хотиним билан ҳазилимиз анча жиддий бўлади. Мана бир неча йилдирки, уни боплаб алдаб келаман. Токи эсимдан чиққунича, уни мени ҳеч қачон "туширолмайсан" деб жиғига тегиб юраман. Аммо ўтган йили...

1 апрель куни эшик қўнғироғининг кетма-кет жиринглашидан уйғониб кетдим. Кейин "ғийқ" этиб эшик очилганини сездим. Уйқу аралаш хотинимнинг ким биландир гаплашганини эшитдим. Сут сотадиган аёллардан биридир деган хаёл билан яна уйқуни давом эттирмоқчи бўлдим. Қани энди кўзга уйқу келса. Хотиним бир нима дермикан, деб қулоғимни динг қилиб ётибман. Кошки ундан садо чиқса.

— Нима гап, — дея сўрадим ундан ҳа деганда садо чиқавермагач, тоқатим тоқ бўлиб.

— Қўшни қишлоқдаги анави кўп гапирадиган балиқчи жўрангиз бор-ку оти Абдурайиммиди ё Мадрайиммиди, хуллас, ўша сизни бир келиб кетсин, деб сўрабди, — деди у нариги хонадан туриб.

— Нима иши бор экан?

— Билмадим, балиқ тутганмишмиэй.

Бир ой бурун дўстим билан учрашганимизда "Жўра, яқин орада йирик лаққа тутсам, албатта, сенга бераман", — деган эди. Ҳойнаҳой, лаққа тутган бўлса, шунга чақиргандир-да. Дам олиш куни маза қилиб балиқ ейдиган бўлдик-да ўзиям. Мана шундай хаёллар билан апил-тапил юз-қўлимни ювиб, йўлга отландим.

Эрта тонг. Аксига олиб бирор йўловчи машина ҳам, такси ҳам кўринмайди. Шу боис дўстимнинг уйига яёв бордим. Унинг дарвозаси эшигини тақиллатдим. Ичкаридан Мадрайимнинг рафиқаси эшикни қия очиб мўралади. Уйқудан ҳозиргина турган шекилли, сочлар сал-пал тўзғиган эди.

— Келинг, — деди у менга ҳайратланганча қараб.

Мен мулозамат кутиб ўтирмай дарҳол ичкарига кирдим ва меҳмонхонадаги хонтахта ёнига чўккаладим. Бироздан кейин дўстимнинг хотини дастурхон тузади. Аммо дўстимнинг қораси кўринмасди. Ниҳоят, Мадрайим ҳам йўтала-йўтала, "Шамоллаганга ўхшайман", — дея жилмайиб кириб келди. Биз сўращдик. Унинг нигоҳидан келганимдан ҳайрон бўлаётганини сездим. Бу орада бир чойнак чойни ҳам ичиб бўлдик. Мадрайим қачон балиқдан сўз очар экан, деб қулоғимни динг қиламан, аммо у бошқа гаплардан гапирарди. Ниҳоят сабрим чидамади.

— Мадрайимбой, йўқлатган экансан, шунга келувдим, — дедим.

— Менми? Йўғей, ким айтди сенга буни, — деди у ҳайрон бўлиб.

Шу лаҳзада бугун 1 апрел-ку, деган фикр хаёлимдан ялт этиб ўтди.

— Ҳамма гап равшан, — дедим мен, — маликаи дилором бизни бир туширибди-да.

Икки жўра бараварига кулиб юбордик.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ

Сарištalik

Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонидан ўтиб кетаётгандим. Нотаниш бир киши салом бериб: "Бу ерда чексам, ноқулай бўлмайдими?" — деб сўраб қолди. Кўринишидан оддий, қорамағиз чеҳрасида самимийлик барқ этиб турган бу қишлоқ одамининг саволидан ҳайрон бўлдим. Беихтиёр лабларимга табассум югурди. Шу пайт хаёлимдан "Бундай саволни беришга бу одамни қандай андиша мажбур қилди экан?" — деган фикр ўтди. Кейин ички бир ҳиссиёт билан ҳижолатланган бўлса керак-да, деб ўйлаб қолдим. Очиғи, шу ердан деярли ҳар куни ўтиб юрган бўлсам-да, эътиборсиз бўлган эканман. Атрофга назар ташладим. Ҳамма томонозода, ёғ тушса ялагудек. Ерга тўшалган турли қопламалар чиннидек ялтираб турибди. Узун йўлак бўйлаб экилган гулларга боқиб, кўз қувонади. Ўзгача бир чиройга бурканган арчаларнинг атрофи эса ям-яшил майсазор. Бу ерда жойлашган бинолар ҳам майдон кўркига кўрк қўшган. Бу ажойиб мутаносибликдаги манзарага қараб тўймайсан, бахри дилинг очилади.

Одамзод сийрати жозибали нарсаларга, катта воқеаларга эътибор беришга мойил. Аммо ана ўша катта нарсалар ва катта воқеалар аслини олганда шу каби кичик нарсалар устида бунёд бўлади. Шулар ҳақида мулоҳаза юритар эканман, нотаниш кимсанинг андиша қилишида ҳам соф ўзбекона характерни кўргандек бўлдим. Пойтахтимиздаги майдон ёки сайлгоҳнинг озодалиги бошқаларда ҳам шундай ажойиб ҳолатни уйғотишига шубҳа йўқ. Негаки, бугун нафақат пойтахтимиз, балки юртимизнинг ҳар бир ҳудудида катта бунёдкорлик, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳа, бу бизнинг миллатга хос. Юртимизга ташриф буюраётган хорижлик меҳмонлар ҳам миллатимиз нафосатидан тўлиқ таассурот олиб, миллий қадриятларимизнинг нақадар улуғлигига камоли эҳтиром кўрсатишмоқда.

Холмуҳаммад КАРИМОВ

РАССОМ ХАНДАСИ

Ҳусан СОДИҚОВ чизган сурат.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528
Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ
Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.30
® — тижорат белгиси.
Адади: 17280 Буюртма — Г-226 123 5